# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

33 сон
17 — 23 август 2006 йил


# ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ ДАВЛАТ, ФАРОҒАТ





*2006 йил—«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»*



**- Ҳар бир ускуна ишчилар юкини енгил қилади,-дейди хўжалик бошлиғи Холбой Ҳосилбеков**

“Чорвадор” фермер хўжалиги Тўрткўл туманида илғорлиги билан донг таратган. Хўжалик бошлиғи “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” Холбой Ҳосилбеков. Биз туман хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Қурбонбека Юнусова билан бу оила хонадонига кириб борганимизда ҳамма ўз иши билан чиқиб кетган, фақат дарвозахонадаги сўрида 70 ёшлардаги Ойхон янга бир этак невараларига насиҳат қилиб ўтирган экан. Онахон бизнинг муддаомизни билгач, хўжаликка етакчилик қилаётган ўғли Холбой ака Нукусга кетганлиги сабабли, иш юритувчи, кенжа ўғли Исмоилни болалардан айттириб юборди.

- Ўғилу қизлар, келинлар бошлиқ бўлмаганда ҳам ўз ишларини билиб-билиб қилаверишади. Атрофдаги катта майдон бизники. “Ҳув” десак, ҳаммаси йиғилади, - дейди онахон. Шу пайт қўлида челак кўтарган оқ халатли жувонлар бирин-кетин биз билан саломлашиб, сўнг шошилганча фермага қараб кетишди.

- Сигирларни вақтида соғиб олишмаса, улгуришмайди. Таътилга чиққан овсинларининг ўрнини ҳам билдирмасликлари керак-да, ўргулай.

**- Таътил учун ҳам пул олишадими?**

- Албатта-да. 3 келиним шу хўжаликдан пенсияга чиқишди. Ҳамма шароитни қонуний қилишган болаларим, - фахрланиб қўяди онахон. - Ўзим кўп йиллар шу ерда ишладим. Асли бу хўжаликни раҳматли хўжайиним Ҳосилбек Сержонов ташкил қилган. Агронўм эдилар. 1990-йил “Ўзбекистон халқ депутати” бўлганлар. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” эдилар. Ўшанда давлатдан 39 минг сўм қарз олиб, чоғроқ молхона қурганлар. Сўнг 5-6 та сигиру ҳўкиз сотиб олиб, иш бошловдилар. Аввалига еримиз 6 гектар эди. Мана ҳозир 5 та трактор, 1 та комбайн, 85 бош жондоримиз бор. Болаларим ерни ҳам 80 гектарга етказишди, омон бўлгурлар. 7 ўғил, 3 қизим отасидан меҳнаткашликни мерос қилиб олишган. Ўғилларим, келинларим ва куёвларимнинг гаплари “бир жойдан чиқиб” катта ишларга қўл уришаяпти-да, қизим.



**- Қизлар хўжалик иши билан бирга тикиш-бичишни, кўрпа қавишни ҳам яхши билиши керак,-дейди Ойхон**

Бизда бекор ўтирадиган одамнинг ўзи йўқ. Невараларим ҳам ота-онасига тортишган.



**- Бугунги ҳаракат-эртанги кунимизни белгилайди,-дейди иш юритувчи Исмоил Ҳосилбеков (ўртада).**

Бу орада усти-бошини қоққанча Исмоилжон даладан келди.

- Хўш келибсизлар, аслида онажонимиз ишимиз ҳақида ҳамма ахборотдан хабардорлар. Чунки, ҳаммамиз кечқурун онажонимизнинг ҳузурларига йиғилиб, битта дастурхоннинг атрофида гурунглашамиз-да, кейин уй-уйимизга тарқаламиз. Байрамлар, оилавий тадбирларда-ку бу ҳовли 60 невара ва 30 чевара билан тўлиб кетади. Хизматни эса келинлару қизларнинг ўзи эплашади. Ота-онамиз барчамизни маърифатли қилишган.

“Шўрахон” фуқаролар йиғинида 210 хўжалик бор. Оқсоқол Қурбонбой оға Йўлдошев билан уларнинг тақдирига ўзимизни масъул ҳисоблаймиз, 60 кишини иш билан таъминлаганмиз. 20 нафар қиз, аёллар хўжалигимизда иш билан банд. Меҳнатларига яраша яхши иш ҳақи олишади. Навбати билан санаторий ва дам олиш оромгоҳларига юборамиз. Уларнинг маъракаларига моддий ёрдам берамиз. Пахта режаси бажарилганда аъзоларимизга совға-салом уюштиришни ҳам унутмаймиз.

Ҳар йили 160 тонна пахта ва 100 тонна сут етказиб берамиз. Сигирларимизнинг боқуви яхшилиги учун ҳам сут-қатиқлари мазали ва харидоргир... Отам раҳматли шу фуқаролар йиғинида 10 йил оқсоқол бўлганлар. Уларнинг одамлар билан қилган муносабатлари биз учун мактабдир. Шу боис Холбой акам ҳам доим ҳамма ишда ҳалол бўлишни уқтирадилар.

**Ҳа, азалдан ҳалоллик, камтарлик ва меҳнатсеварлик инсонга бахт ато этган. Шу сабабми, бу хўжалик фидоийларининг чеҳрасини ҳам доим бахтнинг шуъласи ёритиб туради.**

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**



**- Никоҳ салтанатининг пойдевори у қонуний бўлгандагина мустаҳкам бўлади, - дейди қарийб 26 йилдан буён Самарқанд вилояти, Нуробод туман ФҲДЁ бўлими мудираси бўлиб ишлаб келаётган Сабоҳатхон Қаҳҳорова.**



**Мавлуда опа Абдуллаева 34 йилдан буён П. Э. Боровский номли тиббиёт коллежида муаллима бўлиб ишлайди. У талабаларга “Гинекология”, “Экология” фанларидан сабоқ бериbгина қолмай, балки коллеж касаба уюшмаси раиси ҳамдир. Коллежнинг 200 нафарга яқин ўқитувчиларининг маданий, маиший ҳордиқ чиқаришида опанинг муносиб улуши бор. Касби туфайли ҳурмат қозонган Мавлуда опа оилада эъзозли, меҳрибон она, ғамхўр буви.**

**Фарида ТОҲИРОВА**



**Зебо Холиқулова 19 йилдан буён Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 220-мактабда директор вазифасида ишлаб келмоқда. Раҳбарнинг жонкуярлиги, фидоийлиги туфайли мактабда 4 та бадиий ва 8 та фан тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.**

**София НАЗАРОВА**

# МУСТАҚИЛЛИК - ОЛИЙ САОДАТ

**Ахборот**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан мустақиллик байрамининг 15 йиллиги арафасида Тошкент шаҳри ва Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, ибратли оила соҳибалари, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг аёллари ва хотин-қизлар кенгаши раислари - жами 200 нафардан зиёд энг фаол ва фидойи хотин-қизлар учун Бухоро шаҳрига зиёрат ташкил этилди.

Юртимизнинг қадим тарихи саҳифаларини нурлантирувчи, унинг бугунги истиқлоли, эрки, озодлигини намоён қилувчи, халқимизнинг келажак истиқболини белгиловчи шодиёна кун - мустақиллик байрами арафасида “Мустақиллик - олий саодат” шиори остида қадимий ва кўҳна Бухоро шаҳрига ташкил этилган зиёратдан кўзланган мақсад ҳам аслида истиқлол шукронасидир.

Сафар “Ўзбекистон темир йўллари” компаниясининг ҳомийлик ёрдамида амалга оширилди.

**Ўз мухбиримиз**

# БЕМОР БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Жорий йилнинг 16 августида «Юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари» хасталиги билан оғриган ўн тўққиз нафар бемор болалар даволаниш учун Германияга юборилди.

— “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишларни амалга оширяпти,- дейди жамғарманинг шифокори Жумабой Нуров.—Германиядаги «Фриенденздорф Интернейшнл» ташкилоти билан 2002 йидан буён тиббиёт соҳасида ҳамкорлик қилиб келинади. Ўтган давр мобайнида Германия клиникаларига юборилган етмиш нафарга яқин бола даволаниб юртимизга қайтди.

Мазкур ташкилот ўзининг грант маблағлари ҳисобига «Юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари» ташҳиси қўйилган болаларни Ўзбекистонда даволашни ҳам давом эттирмоқда. Жорий йилнинг олти ойи ичида Тошкент Тиббиёт академияси, «Алишер» тиббиёт клиникаси ва вилоятлардаги шифохоналарда бир юз саксон нафар бемор операция қилинди.

**Хусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс»**

# ИСТИҚЛОЛГА ТЕНГДИР ЁШИНГ

## ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Оила ва Жамият 15 йил менинг ҳаётимда

Инсон ҳаёт ташвишлари ва қувончлари билан яшайди, орзу қилади, яхши ва ёруғ кунларга интилади. Лекин ҳаёт аталмиш катта ва залворли умрнинг ҳамма йўллари ҳам текис ва равон бўлавермайди. Ҳаёт балки шуниси билан ҳам гўзал ва сирлидир.

Биз инсонлар ҳаётнинг сермашаққат ташвишларини енгиб ўтиб ўзимиз орзу қилган даражада турмуш тарзини яратишга ҳаракат қилаверамиз ва шу аснода умр ҳам ўтаверади.

Ҳамма ишларни амалга оширишда ва шунингдек ҳаётдан завқланиш онларини ўзида идрок этишда, инсонларга энг асосийси соғлик ва кўнгиллар дилхушлиги зарур албатта.

Кимда ким танида бирор бир хасталикни сезса ёки соғлигини йўқотса албатта қайсидир шифокорга мурожаат қилади ва дардига даво топади.

Лекин яна шундай бир дард борки, уни ҳар қандай табобат аҳли ҳам даволашга ожиздир. Бу қалб дарди, кўнгиллар ўкинчидир. Шундай кезларда инсонга бу ёруғ олам қоронғу, ҳаёт эса файзсиз бўлиб қолади ва тушкунлик аталмиш азоб эзаверади.

Худди шу пайтда дил таскин берувчи бирон бир илинжни истаб қолади, ҳеч кимга айтолмаган дардларини кимгадир айтгиси ва албатта ундан сал бўлсада мадад кутгиси келиб қолади.

Инсонларнинг қалб дардларини тинглаб, дардига малҳам бўлувчи, уларнинг маслакдоши ва сирдошига айлангувчи эканлиги ҳаётимизда ўз исботини аллақачонлар топган газета, бу "Оила ва жамият"дир.

Олиб бораётган ишлари билан ҳамманинг севимли газетасига айланган "Оила ва жамият" қисқа муддатда кишилар меҳрини қозонишга улгурди. Унинг ҳар бир сонини мухлислар интизорлик билан кутишлари ва бироз бўлсада ҳаёт ташвишларидан холи бўлган ҳолда бошдан-охиригача мутоала қилишлари аниқ. Чунки, газетани варақлар экансиз ундаги ҳар бир мақолаю-суҳбатга, янгиликлару-фойдали маслаҳатларга, табобат сирларию-насиҳатларга бефарқ бўлишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ.

Яна бир нарса, ушбу газетанинг оммавийлиги - унинг ҳаётийлигидадир. Ҳеч қачон газетада олди-қочди гаплар-у, инсонларнинг ғашини келтирадиган мақолалар ўқимайсиз. Ундаги ҳар бир воқеани ўқир экансиз, сиз ҳам мақолага нисбатан нимадир дегингиз келаверади, мақола қаҳрамонлари билан бироз бўлса ҳам хаёлан суҳбатлашасиз.

Айниқса газетадаги мақола матнига мос равишда чизилган расмлар эса ҳар қандай кишини ўзига ром этиши табиийдир.

Албатта газетанинг шундай ҳолда бўлиши ниҳоятда аҳил ва меҳнатсевар таҳририят ходимларининг машаққатли меҳнатлари ва тинимсиз изланишлари, инсонлар қалбига йўл топишдек нозик ишни уддалай олаётганликлари ва энг асосийси халқимиз ишончига сазовор бўлганликларидадир.

Барча қалам аҳлидан узр сўраган ҳолда, газетага бўлган меҳримни шеърий сатрларда изҳор этгим келди.

* * *

***Мустаҳкамдир тамал тошинг,***
***Истиқлолга тенгдир ёшинг.***
***Порлайверсин бахт-қуёшинг,***
***Менинг азиз, ҳур газетам,***
***Тарқатувчи нур, газетам.***

***Дардли дилга дармон бўлдинг,***
***Бир қалбингни мингга бўлдинг,***
***Ҳақ йўлинда, тошдинг, тўлдинг,***
***Менинг азиз, ҳур газетам,***
***Тарқатувчи нур, газетам.***

***Ўн бешида, барвастадай бўйлаган,***
***Эл ғамини, эл корини ўйлаган,***
***Озодликни, истиқлолни куйлаган,***
***Менинг азиз, ҳур газетам,***
***Тарқатувчи нур, газетам.***

***Талайгина сафдошларинг ортда қолди,***
***Улар сенга етолмади улар толди.***
***Халқим севган нашрларни ўзи олди,***
***Менинг азиз, ҳур газетам,***
***Тарқатувчи нур, газетам.***

***Рухсат айла, пойларингга гул сочайин,***
***Қалбимдаги сирларимни, кел сочайин.***
***Келажагинг улуғвордир бу нақд, тайин,***
***Менинг азиз, ҳур газетам,***
***Тарқатувчи нур, газетам.***

***Кел, газетам пешонангдан ўпиб қўяй,***
***Қучоғимга босиб, сени севиб -суяй.***
***Кўз тегмасин, кўзмунчоқлар тақиб қўяй,***
***Менинг азиз, ҳур газетам,***
***Тарқатувчи нур, газетам.***

**Шербой ШЕРОВ,**
**Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бўлим бошлиғи.**

---

Адашмасам, 1998 йил эди. Севимли газетамизда "Дил изҳори" рукнида "Сени севганимдан не фойда жоним..." номли бир синглимизнинг юрак тўлқинлари босилиб чиққан экан, ўшанга акс-садо ёздим. Бу вақтгача ёзганларимни вилоят газетасига юбориб турардим, ҳаммаси эмас, айримлари босилиб турарди. Шу акс-садо "Оила ва жамият"да ёритилди. Шунга ҳам 10 йил бўлибди. 10 йилдан бери газета менинг сирдошим, дўстим. Унда мақола, рисола, ҳикояларим ёритилиб келмоқда. Дунё ташвишлари толиқтирганида таҳририятга бораман.

Газета ижодкорлари:

- Сиз иродали аёлсиз, ҳаёт синовлардан иборат, яхши кунлар ҳали олдинда, - деб овутиб яшашга, фарзандларни комил инсонлар қили вояга етказиш зарурлигига, ёзишга ундашади...

Газетанинг ҳеч бир сонини қолдирмай ўқиб бораман. Ҳар хил реклама ва бачкана эълонлардан ҳоли бу газета республикамизнинг ҳар бир хонадонидан ўз муштарийларини топган, десам адашмайман. Ҳар пайшанба куни газетани эрталаб сотиб оламан. Бўш қолдим, дегунча қўлимда шу газета бўлади. Кимдир қўшиқ тинглаб дам олади, кимдир рақсга тушиб. Мен эса газета-журнал ўқиб, ором оламан. "Бирни кўриб фикр қил, бирини кўриб шукр қил", деган хулосага келаман. Мақолалар ёзиш давомида сўз бойлигим ортди, фикр доирам кенгайди, дунёқарашим ўзгарди. Оқ-қорани, яхши-ёмонни таниб ажратадиган бўлдим. Изланиб, имкон топиб яшаш учун курашишга ўргандим. Менинг ҳаётимда "Оила ва жамият" оиламизнинг бир аъзоси, беминнат маслаҳатчиси, маслакдоши, сирдошига айланган.

***Китоб бир қуёш бўлса,***
***Мактаб бир жаҳон.***
***Унда камол топар,***
***Ҳақиқий инсон.***

Бу мисралар биз ўқиган мактаб пештоқига ёзиб қўйилганди. Тонгда гул япроғидаги шабнам янглиғ беғубор ва мусаффо, самодек бағри кенг, зилол сувдек шаффоф битиклар, беминнат маслакдош, ҳамдард, ҳамдаму йўлдош бу газета ҳамиша қалбимиз ардоғида бўлишига аминман. Чунки бу газета кимгадир сабоқ берса, кимгадир мактаб, кимгадир ибрат, кимлар учундир даъват бўлиб яшашга, ҳасад эмас, ҳавас билан интилиб, изланиб, имкон топиб, машаққатларни енгиб, ҳайру саҳоватла, меҳр-оқибат-ла ва албатта, муҳаббат-ла дунёда яхши ном қолдириб яшашга ўргатади, ундайди.

**Машҳура ИСОҚОВА**

---

Мен "Оила ва жамият" газетасининг ашаддий мухлисасиман. Ўзим педагогика-психология фанидан талабаларга сабоқ бераман. Шу сабабли ўзим билан бирга коллеж талабалари ҳам бу газетанинг муштарийларидир. 10 йил давомида доимий бу газетага обуна бўлиб келаман. "Оила психологияси" фанидан доимий қўлланма сифатида (дарсликлардан ташқари) "Оила ва жамият"дан фойдаланаман. Ҳатто қизим Гуландом "Табобатнома" рукнидаги мақолаларнинг бир неча йиллигини алоҳида тўплам қилиб, йиғиб бормоқда. Бу унинг доимий қизиқишига айланган. "Ўзингиз ва уй рўзғорингиз учун" саҳифасидаги қизиқарли маълумотлар ҳам бугунги давр талабига мос келмоқда. "Пазандалик сирлари"даги рецептлар билан эса қизлар дастурхонга лаззатли таомлар тайёрлашни ҳам ўрганадилар. Умуман олганда "Оила ва жамият" оила тарбиясида энг муҳим ўрин эгаллайди.

Педагогика фани дарсида "Оила тарбияси" мавзусида айнан шу газетанинг ота-оналарга бағишланган мақолаларидан фойдаланаман. Ҳаётимизнинг чироғи, отажоним 2005-йил 11 февралда ҳаётдан кўз юмдилар. Оилада 10 фарзандмиз, Оллоҳга беадад шукрларким, ҳаммамизни уйли-жойли қилиб, 83 ёшда вафот этдилар. Дадажоним ҳам газетани севиб ўқир эдилар. Отам вафотидан сўнг тушкунликда юрганимда "Ота - ҳаёт боғбони" номли кичкинагина мақола ёзиб таҳририятга жўнатдим. 2005-йилнинг 20 июль сонида чоп этилди. Бу мақолам туфайли газета ҳар бир муштарийнинг хатига, ҳаётига бефарқ эмаслигини ҳис этиб, ушбу нашрга яна бир бор эҳтиромим ва ҳурматим ошди. Бу камтарона ёзган мақоламни ўқиган ҳамкасб ўқитувчилардан бири, (ёши 60 дан ошган) "Баракалла қизим, ҳақиқий фарзанд экансиз, сизга қараб ҳавасим келди", деганларида ич-ичимдан қувондим. Бу мақолани доимо ёнимда олиб юраман. "Олий тоифа"ли ўқитувчининг таълим ёки тарбия йўналишидаги мақолалари Республика матбуотида чоп этилган бўлиши шарт. Ана шу "Ота- ҳаёт боғбони" номли кичик тарбиявий мақолам мени "олий тоифали" ўқитувчилар сафига қўшилишимга сабаб бўлди.

Мен йил бошида айрим сабабларга кўра газетага обуна бўлолмай қолгандим. 3 ой кутубхонадан олиб ўқиб бордим. Яна апрель ойидан "Оила ва жамият"нинг доимий мухлисаси бўлдим.

**Гулбаҳор БОЗОРОВА,**
**Каттақўрғон педагогика коллежи ўқитувчиси.**

---



Жамият қурилишида оиланинг ўрни беқиёс. Оиланинг бунёд этилишида жамиятнинг мавқеи бисёр. Ҳар иккиси уйғунлашиб, яхлит бир бутунликни, чинакамига одоб, ахлоқ ҳазинасини ташкил этади.

Исми-жисмига монанд "Оила ва жамият" газетаси ташкил этилганига ўн беш йил бўлибди... Ўспиринлик... Қутлуғ бўлсин!

Газета менинг ҳаётимда ҳам муҳим ўринни тутгани учун ҳар сонини севиб ўқийман.

Менинг ҳам битикларим, фарзандларимиз, юртдошларимга ёзган насиҳатларим газетада чоп этилиб, назмий ёзувларим ёритилиб борилди. Шу боис мен Ўзбекистоннинг турли вилоятларида истиқомат қилаётган мухлисларидан кўплаб миннатдорчилик мактублари олиб, танишлар орттирдим. Бу менинг учун олам қадар қувонч, бахт бахш этади! Газета орқали мухлисларим ошганидан завқ оламан. Бунинг учун ўз хизмат вазифаларида ўта фаол бўлган "Оила ва жамият" газетаси ходимлари жамоасидан беҳад миннатдорман.

**Эргаш АТОЕВ, кекса ўқитувчи.**
**Навоий вилояти, Қизилтепа тумани.**

---

"Оила ва жамият" ҳар бир ўқувчисининг қувонч ва қайғуларини бирга баҳам кўргувчи сирдош дўсти, олтинга тенг насиҳатларини бергувчи маслаҳатчиси, энг асосийси, ҳаётда тўғри йўл танлашда йўл кўрсатувчисидир.

"Оила ва жамият" газетаси менинг ҳам ҳаётимда жуда муҳим рол ўйнайди.

Газета ҳаётимнинг бир бўлагига айланиб улгурган десам, муболаға бўлмайди. Чунки ҳар пайшанба кунини энг яқин инсонимни кутгандай интизорлик билан кутаман. Ўша куни хонадонимга севимли газетам ташриф буюради. Бу газета мен учун азиз ва қадрли, тилсиз, забонсиз, лекин саҳифалари олтинга тенг дўстимдир.

Менинг фикримча, кимки "Оила ва жамият" газетаси билан ошно бўлса, ҳаётда ҳеч ҳам адашмаса, қоқилмаса керак. Чунки унда ёритилаётган ҳар бир мақола кишини беэътибор қўймайди. Уни ўйланишга мажбур қилади.

Мен бу газета орқали ўзимга жуда кўп маънавий озуқа олдим. Ёшлигимдан китоб ўқишга қизиқишим боис, ҳеч бир мақолани четда қолдирмайман. Юртдошларимизнинг чигал тақдирларини ўқирканман, ўзимга ҳаётий хулосалар оламан. Баъзи инсонлар тақдирига ачиниб йиғласам, баъзи бир бемеҳр инсонларга нафратим ортади. Ҳаётда доимо яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик, меҳр билан қаҳр, оқ билан қора ёнма-ён юриши, ҳаётда ҳамма нарсаға тайёр туриш лозимлиги, шу беш кунлик дунёда қўлимиздан келганича инсонларга яхшилик қилиш кераклигини англаб етдим.

Ўйлайманки, "Оила ва жамият" газетаси инсонлар қалбига эзгулик уруғларини сочишда, нотинч оилалар сони камайишида, маънавий соғлом фарзандларнинг камол топишида кўприк вазифасини ўтамоқда.

**Шаҳло ТЎЙЧИЕВА,**
**Оҳангарон тумани,**
**Қорахтой қишлоғи.**

---

Кўнглимнинг қайсидир гўшалари нажотга илҳақ қовжиради. Уни излашга тушдим. Борлиқдан, ҳамма-ҳамма жойдан...

Ниҳоят... Ўша кун келди. Нажотни умримнинг қайсидир лаҳзалари менга инъом этди. Кўнглим бу умид чашмасидан қониб-қониб ичаркан, маза қилди. Кейин оҳиста шивирлади: "Шукр, беадад шукр"...

Ул нажотким, унга қуёш меҳридан бир қатимгина қўшилган . Ул нажотким, садоқат, вафо райҳонларини бағрида кўкартирган. Ул нажотким, дўстлик аталмиш улуғвор ришта ила менинг кўнглим каби қақроқ дилларни бир-бирига боғлаган. Англагандирсиз азизим, бул нажотнинг исми—"Оила ва жамият"...

Ахир тўғри-да, "Яхшилардан сўз очмоғу", "Тарбия соати"да ўз-ўзингни англамоқ, инсон дардига "Табобат" орқали даво бўлмоғу, "Қўнғироқларингиз", "Ташрифларингиз" орқали ёнгинангда сен билан ҳамнафас, яримтагина кўнгил билан ўксинибгина яшаётган замондошингга руҳан, ич-ичингдан далда бўлмоқ. Шу ўйлар билан қаламга талпиндим. Газетанинг минглаб мухлислари қаторида мен ҳам сўз айтгим келди. Ана шу истакни кўнглимга тугдиму сизларга юкиндим...

**Дилфуза ҚОСИМОВА, Қўқон шаҳри.**

# СЕВГИМНИНГ ОҚИБАТИ...

Оқшом таҳририятимизга Марғилондан Мадинахон исмли қиз қўнғироқ қилди.

-Бу йил 19 ёшга тўлдим. Коллежни ҳам битирдим. Дугоналаримнинг назарида мендан бахтли одам йўқ, аммо... Дилимда бир изтироб бор-да, - дея сўз бошлади у.

**- Нима бўлди ўзи?**

- Сизга очиғини айтай. Бахтиёр исмли курсдошим билан учрашиб юришимни оиламизда тўғри тушунишар, келажакда турмуш қурадилар, деб ўйлашарди.

**- Нима, йигит билан уришиб қолдингларми?**

- Унинг мен билан гаплашиб юришини кимдир онасига айтибди. Онаси эса менга қўнғироқ қилиб, "Барибир сени келин қилмайман! Кўзингга қараб юргин! Бўлмаса маҳаллангга бориб шармандангни чиқараман!" - деб дағдаға қилди. Биз эса Бахтиёр билан учрашиб юравердик.

**- Онасининг гапларини унга айтдингизми?**

- Айтгандим. "Онам нима деса деяверсин. Барибир сенга уйланаман. Мени зўрлаб уйлантира олишмайди,"-деди. Лекин кейинчалик учрашувга келмайдиган, қўнғироқ ҳам қилмайдиган бўлди.

Мақтаниш эмас, маҳалламиздаги энг чиройли қизман, сочларим узун, кесмаганман. Шу боис бўлса керак сочимни ташлаб юрсам, йигитлар маҳлиё бўлиб ортимдан эргашиб кўчамизгача келади. Бахтиёр билан юрганимизда ҳам бир-икки марта йигитлар тикилиб қолишганда унинг жаҳли чиқиб ўшалар билан уришиб кетганди.

**- Онангиз буни биладими?**

- Айтгандим. Тушунди. Лекин онасининг гапини айтганимда ўйланиб қолди. "Қизим, ёқтирмаган аёлга келин бўлиши қийин. Қайнонанг билан келишмай бир умр қийналиб юргандан кўра, Бахтиёр билан орани очиқ қилгин" - деган эди. Мен бўлсам Бахтиёрни яхши кўрардим.

**-Ҳозир муносабатларингиз қандай?**

- У негадир кўринмай кетди... Мендан кейин икки синглим ҳам бўй етиб турибди. Бахтиёр билан бўлган муносабатим эса маҳалламизга ҳам тарқалгани учун менга келган совчилар қўшниларимиздан буни эшитиб қайтиб кетишаяпти.

**- Онасига нима учун ёқмаганингизни биласизми?**

- Бахтиёрнинг айтишича, у билан ёшимиз тенг эмиш. Хотин эридан уч-тўрт ёш кичик бўлиши керак, тенг бўлишса иккиси ҳам ўз билганини ўтказишга ҳаракат қилишади,-дебди. Ҳозир жуда бошим қотиб қолган, нима қилишга ҳайронман. Наҳотки бир йигитга кўнгил қўйиб шунча маломатга қолсам?...

**Гўшакдаги суҳбатимиз узилди. Мен эса бундай воқеаларнинг жуда кўп гувоҳи бўлганимни эсладим. Азиз мухлисларимиз, қайнона-онахонларимиздан сўрамоқчи эдим:**

**Нега фарзандларингизнинг тенгдошларини келин қилишни истамайсизлар, бунинг сабаби нима?**

*Қўнғироқларингиз...*

# ФИРИБГАР ЭКАН...

Гўшакни қўйишим билан яна телефон жиринглади. Гапираётган аёлнинг овози анча асабий ва у ҳаяжон билан гапирарди:

- Мен одамларнинг бунчалик қаллоб бўлиб кетишганини билмаган эканман. Ота-онам қўлингдан келса ҳаммага яхшилик қилгин, дейишарди. Шунга амал ҳам қилиб келдим. Лекин бундан кейин яхшилик қилмасаммикан? - деб ўйлаяпман.

**- Бундай дейишингизга бирор сабаб борми?**

- Кошки ўша сабаб бўлмаганида... Балки бу ўзимнинг хатоимдир.

**- Тушунтириброқ гапиринг-чи?**

- Мен Тошкентдаги сил касалликларини даволайдиган шифохона ёнидаги озиқ-овқатлар дўконида сотувчи бўлиб ишлайман. Уч ой аввал касалхона кийимидаги афтодаҳол, тинмай йўталаётган бир киши дўконимизга кирди. Ҳеч ким қолмагач, ундан нима кераклигини сўрадим.

У эса: "Қизим, шу касалхонада икки ойдан буён ётибман. Оилам узоқда, ҳар доим кела олишмайди. Мана икки кундирки оғзимга ҳеч нарса олмадим. Касалхона овқатларини кўнглим тортавермайди. Менга озиқ-овқат беринг. Шу жумага ўғлим келади. Пулингизни бус-бутун қилиб тўлаб кетаман. Исмим Абдували, анави корпусдаги иккинчи қават, 23-хонада ётаман" - деди. Унга 20 минг сўмлик озиқ-овқат ва қўлига яна 10 минг сўм пул ҳам бердим. У кўзларига ёш олиб, ташаккур билдириб чиқиб кетди.

**- Сиз танимаган одамингизга нега ишондингиз?**

- Ахир унинг кўринишига қараб касаллигига ишондим. Бунинг устига сочлари оппоқ, отам тенги бир одам эди-да.

**- У айтган палатага чиқмадингизми?**

- Икки ҳафта ўтгач уни излаб бордим. Маълум бўлишича бир кишилик бу палатада уч ойдан буён бошқа бир онахон даволанаётган экан. Шундагина у эркак мени чув тушириб кетганини тушундим. У касал эмас, балки бир фирибгар экан...

**- Зарарни ўзингиз тўладингизми ёки?..**

- Албатта ўзим тўладим. Яхшилик қилганим учун ўзимни лаънатлаб-лаънатлаб, уч қизимнинг ризқидан юлиб олиб тўладим. Сизларга қўнғироқ қилишдан мақсадим шуки, менга ўхшаб ҳеч ким чув тушмасин, деяпман-да.

Ҳа, синглим! На чора, дунёда шундай тубан инсонлар ҳам бор-да. Раҳмдиллик—олий фазилат. Лекин "Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма!" - деган гап бежизга айтилмаган.

**Азиз мухлислар! Бу соддадил аёлга сиз нима дейсиз?**

# ОТАМ, ДЕБ ИЗЛАБ БОРСА...

- Турмуш ўртоғим КамАЗ машинасида олис ўлкаларга қатнарди. Бошқаларга қараганда анча тўкис яшардик. Бир ўғилчамиз бор эди,-деб қисматидан сўзларди таҳририятимизга келган аёл. - Эрим ҳар гал сафардан қайтганда тўлиб-тошиб менга, боламга ва рўзғоримизга ажойиб нарсалар олиб келарди. Мен ҳам уй-жойимизни қўлимдан келганча ораста-лаб ўтирардим. Бироқ кейинчалик...

Аёл сўзидан тўхтади. Назаримда у, "Сўзимни давом эттирсаммикан, йўқмикан?" - деб ўйларди.

**- Сўнг нима бўлди? - сўрадим аёлдан.**

- Эрим навбатдаги сафарларидан бирида бегона аёл билан келди. "Дўстим мен борадиган жойда қолди. Уйини сотиб юборишиб уйсиз қолиб кетишибди. Дўстим келгунча бизникида яшаб туради", - дея изоҳлади эрим лўндагина қилиб аёлнинг ташрифини.




**- Чиндан ҳам шундай эканми?**

- Мен ҳам аввалига шундай деб ўйладим. Чунки эримнинг гапи мен учун қонун эди. Келганидан кейин уч-тўрт ой ўтиб унинг ҳомиласи билиниб қолди. Аёлга: "Эрингизга бу ҳақда қўнғироқ қилинг, хурсанд бўлади" - дедим. Шунда у кулиб қўйди. Унинг ҳурматини қилиб юравердим. У ўғил туғди. Эримнинг ўша кунлардаги қувончи менинг кўнглимга шубҳа тушишига сабаб бўлди. Болани туғруқхонадан эрим билан бирга олиб келдик. Ўғлим Сарваржон ётган бешикка болани беладик.

**- Шубҳангизга нима сабаб бўлди?**

- Эримнинг бола ва аёл атрофида гирдикапалак бўлишига ғашим кела бошлади. Кейин кузата бошладим. Бир тунда эримнинг аёл ётган хонага кириб кетаётганини кўрдим. Ортидан бориб пойладим. Улар ўзаро биз ҳақимизда гаплашишарди.

**- Ёмон гаплар эдими?**

- Аёл, "Қачон бунингиз кетади? Менга ажрашаман дегандингиз-ку?" - дерди.

**- Эрингиз-чи?**

- У номард эса: "Шошмай тургин! Бола сал катта бўлсин, ҳозир сенга унинг ёрдами зарур",-дея уни қучиб, юпатарди. Эрталаб иккисининг ҳам башарасига қарагим келмади. "Касалман!" - деб ётиб олдим. Боланинг йўргакларини ювиб қўярдим, бу гал қарамадим ҳам. Овқат ҳам пиширмадим. Эрим кечга яқин кўчадан келди.

Ёнимга кириб жаҳл билан, "Ҳадеб ётаверасанми? Тур-эй! Ўлиб қолмасанг керак, касал бўлсанг ҳам овқатга қара. Гулнорага ёрдамлаш", - деди. Шунда жаҳлим чиқиб кетди.

- У дўстингизнинг эмас, ўзгинангизнинг хотинчангиз экан-ку. Нега алдаб келдингиз? - дея бақирдим.

**- Эрингиз тан олмадими?**

- Тан олди. "Шу билан яшайман! Истасанг Гулнора билан келишиб яшайсизлар, бўлмаса... Сенга жавоб...",-деди.

**- Чиқиб кетдингизми?**

- Қаёққа ҳам борардим? Яна кекса отамнинг олдигами? Онам вафот этганди. Отам эса ёлғиз яшарди, опаларим узоққа турмушга чиқиб кетишган бўлса... Йўқ, отам эшитиб қолгач куйиб кетди, шўрлик. Битта машина олиб келиб юкларимни босди-да, уйимизга олиб кетди.

Эрим индамади. Унга шу маъқул эди. Орадан бир йил ўтгач, у Гулнора билан ҳам ажрашди. Отамнинг олдига келиб кечирим сўради. Гулнора уйни ўзининг номига ўтказиб олган экан, эрим кўчада қолибди. Ўйлаб-ўйлаб ўғлим учун ярашдим. Азбаройи тирик етим бўлмасин, дегандим.

**- Яна бирор нарса юз бердими?**

- Ҳа, бу гал эрим пишиқлик қилиб кекса отамни алдаб уйимизни ўзининг номига ўтказиб олибди. Яна биттасига айланишиб қолди. Бу вақтга келиб отам вафот этганди, унинг қилмиши менга ортиқча бўлди. Лекин синган нарса чегалаган билан бут бўлмас экан. Оиламиз яна бузилди. Бироқ бу гал эрим мени ўз туғилиб ўсган уйимдан ҳайдади. Судга бердим. Аммо қонун унинг томонида эди. Шундай қилиб биз кўчада қолдик. Бир ташкилотга қоровул бўлиб ишга кирдим. Ташкилотнинг кекса раҳбари яхши одам эди. Ташкилотга қарашли кўмирхона бор экан. У шу ерни тозалаб, кейин яшашимга рухсат берди. 15 йилдан буён шу ерда яшаяпман. Ўғлим ҳам 18 га тўлди. Ҳали бир дўсти ҳам йўқ.

**- Нега ҳеч ким билан дўст тутинмаган?**

- Чунки, дўстини олиб келадиган уйимиз йўқ-да. Энди эса шу жойдан ҳам чиқишимиз керак бўлиб қолди. Ўғлим отасидан ўтган йиллар давомида сира кўнгил уза олмаганди. У арзимаган алиментини юборарди. Бир куни икки минг сўм зарур бўлиб қолиб отасининг олдига, уйига борибди. Отаси эса, "Сенга берадиган пулим йўқ. Мен сенга 18 йил алимент тўладим. Ҳали шошмай тур, менга энди шуларни сен тўлаб қайтарасан", - деб ҳайдаб солибди. Бунинг устига машинасида ўғлимни қувибди. У қочиб бориб бировнинг ҳовлисига кириб қутулибди.

**- Сиз индамадингизми?**

- Нима дейман? Аламим ичимда бўлса, отамнинг уйи туриб кўчада яшаётган бўлсам... У ҳам мени тушунади, ўксинади. Ўғлим институтга кириш истагида. Инглиз тилини ўрганаяпти. Ишқилиб кўчада қолмасак бўлди, бошқа нарсадан қийналмасдик...

Эшик очилиб бир йигитчанинг боши кўринди. У аёлнинг ўғли экан. Аёлнинг сўлғин юзи ёришди, жилмайди. "Ана ўғлим, Сарварим келди!" - деди. Хайрлашди.

**- Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Ўғлингизнинг роҳатини ҳам кўрасиз! - дедим уни кузатаётиб.**

- Айтганингиз келсин! - деди у орқасига қараб-қараб узоқлашиб кетаркан.

Инсофсиз эркак ҳақида эшитарканмиз, шундай фикрладик. Эркак бир куни мана шу ўзи хўрлаган ўғлининг бир оғиз ширин сўзига зор бўлиши аниқ. Бугун ўғли отам деб излаб борса, вақти келиб бешафқат ота ҳам боласини излаб боради. Бу бизнинг сўзимиз эмас. Ҳаёт қонуни шундай! Бу қонун эса ўта одилдир.

**БАСИРА**

# АҚЛ БИЛАН ЯШАНГ!

*"Бир аёл изтироблари" - 28-сон*

**ЭСЛАТМА: 5 нафар фарзандим бор. Тўрттаси уй-жойли. Қудаларим ҳам маҳалламизда яшайди. Ўтган йили эрим санаторияга бориб, бир енгилтак аёл билан танишибди. Унга уй, жиҳозлар олиб бериб, ҳатто ундан бола ҳам орттириб олибди. Текширтирсак бола эримдан эмас экан. Эрим айбини тушунди. Лекин уни кечира олмаяпман. Қандай йўл тутсам экан.**

**Муаллиф: ГУЛБАШАКАР.**

Ушбу мақолани ўқиб, кўз олдимга Дилфуза исмли ўша аёлнинг таҳририятдан юрагидан ҳаливери кетмайдиган изтироб билан мунғайибгина чиқиб кетаётгани келди.

"Ажрашиб кетишнинг сира иложи йўқ, қуда-андаларим бор. Бу нарса болаларимни бахтсиз қилиши мумкин", - дея уйим-жойим, болаларим деб фидо бўладиган, оқила, андишали аёл кўз олдимда намоён бўлди. Турмуш ўртоғининг ўша бузғунчи аёл ҳақида, - барибир унинг қилиқлари бошқача эди-да, - деб жуфти ҳалолининг кўнглига озор етказганини ўқиб, ўйланиб қолдим.

Дилфузахон қаерда хато қилдиларки, турмуш ўртоқлари санаторияда топишган "ўша" аёлга боғланиб қолди? Ўғлига уй-жойи учун аталган пулни ҳам ўйлаб ўтирмай, эрига бериб юборди. Ул аёлгина эса бошқасидан орттирган боласини Эргаш акасининг бўйнига илиб, яна ҳовлисига ҳам эга чиқмоқчи бўлди? Унинг бурнидан бўталоқнинг бурнидан ип ўтказиб олгандек ип ўтказиб олиб, қаерга деса, ўша ерга судраб кетаверган!..

...Ёдимда, олийгоҳни янги битириб, марказий дорихонага ишга келганимда менга дори-дармон тайёрлаш бўлими бошлиғи раҳматли Обид Абдуллаев устозлик қилган эдилар. Бу инсон нафақат менга, барча ёшларга отадек муомалада бўлар эдилар. Обид ака ниҳоятда шоиртабиат, ширинсўз бўлиш билан биргаликда оиласи учун фидоий инсон эдилар. Баъзиларнинг ғаши келиб, намунча хотин деб, оғирини енгил қиламан, деб куюнавермаса?" дейишларига жавобан шундай дегандилар:

- Қизий мураббо, ҳали ёшсиз, романтиксиз, вақти келиб шу сўзларимни эсларсиз. Нега ҳам Вазирахонни яхши кўрмай ахир? "Адажониси" деб айланиб ўргулса? Болажонларим озода, уй-жойим саришта-ораста, ўзи тиббиёт ходими бўлганидан, уйда ҳам ўзига оро бериб, қараб юради. Кўрсангиз кўзингиз қувнайди. Гап-сўзларидан, муомаласидан, ноз-карашмасидан, меҳр-муҳаббатли сўзларидан дилим яйрайди. Баъзан эса бахтимизга кўз тегмасин, деб ўзим ҳам хавотирга тушаман. Биз каби дили-дилига пайванд Тоҳиру Зухро бўлганлардан бири эртароқ бу дунёни тарк этганини эшитганман. Оллоҳимга беадад шукрлар бўлсинким, Вазирахонни менга муносиб ёр этибди. Ёдингизда бўлсин қизим, аёл кўрсатган меҳр-муҳаббатни эркак киши ўзга жойда, ўзга аёлдан кўрмаса, ҳеч қаерга, ҳеч қачон кетмайди. Аёл юрса эркак, эркак юриб кетса аёли айбдор бўлади, деган эдилар.

Раҳматли устозимиз бедаво дардга йўлиқиб, ёшгина ўтиб кетдилар, Вазира келинойим эса фарзандларининг барини ўқитиб, уйлаб-жойлаб, уларнинг отасининг руҳини шод этиб яшаяптилар.

Дилфузахон! У аёл мендан икки баро-




бар ёш, чиройлироқ эди, деб куюнманг. Ҳар бир аёл ўзича гўзал, хунук аёлларнинг ўзи йўқ, ўзига қарамаган, оро бермаганларгина бор дейишади. Мен шундай аёлларни биламанки, эшитсангиз ўйланиб қоласиз, ёқа ушлайсиз.

...Қўшнимиз Ғофир ака армияга, хизматга кетадиган бўлди. У вақтларда уч йил хизмат қилишарди. Кузатгани чиққан ота-онасига Ғофир ака бир чеккада ийманибгина турган чиройликкина Мунирани таништириб: "Шу қиз келинингиз бўлади, илтимос, ойижон, келгунимча уни узатиб юборишмасин, усиз менга ҳаётнинг қизиғи йўқ", - деди. Бизнинг давримизда бу жасорат эди, ҳамма ҳам юрак ютиб, севгиси учун кураша олмасди. Орадан йиллар ўтиб, улар бахтли оила қуриб, бола-чақали бўлишди. Нима бўлди-ю, уларнинг орасидан қора мушук ўтиб қолди, Мунира Ғофир акасини ўзидан анча катта, чўлоқ, чўтир, хунук бир аёл билан тутиб олди. У аёл Мунираннига,- Нега ахир? Айбим нима? Севиб-севилиб турмуш қурган эдик-ку", - деганига жавобан шундай деган экан: "Ҳали ҳам ёшсан, эрингни қайириб олсанг бўлади. Фақат унинг кўнглини топ, тўшакда меҳр-муҳаббатли, эътиборли бўл. Ўзингга қараб, оро бер, ўзингни ҳам яхши кўргин. Бир марта яшайсан ахир? Ҳеч бўлмаса 2-3 кунга ҳолироқ жойга дам олишга биргалашиб чиққин. Бола-чақа, сигир-бузоқ, қозон-товоқ, уй-жой ҳам керак. Аммо, эрингга ҳам эътиборинг зарур»...

Мунира ўша аёлнинг ўгитлари билан эрини "қайириб" олди. Бахтли яшаб, фарзандларининг барини Ғофур акаси билан биргалашиб уйлашди, жойлашди, қўша қаришди, ўша аёлни унутишди...

Бизнинг ўзбек аёлларидек меҳнаткаш, оилапарвар, болажон, андишали, фидоий оналар бўлмаса керак жаҳонда?

Бир куни онам раҳматликни қўшни келиннинг ошхонасини оқлаб туриб, унга насиҳат қилганларининг гувоҳи бўлгандим.

- Юришингизни қаранг, эндигина 2 та фарзандли бўлган, деб ким айтади сизни? Кетидан пойлаб борганингиз нимаси? Мана, ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, чиндек саришта уй, крахмалланган тўшак, ноз-неъмат тўла дастурхон, меҳр-муҳаббат тўла кўзлари билан боқиб турган аёл олдига борсинми? Ёки минғирлаб, келмасидан болани қўлига тутқазган, ошовқатини вақтида беролмай, ўралашиб қолган сизнинг ёнингизгами? Ошхонангизни қаранг, тоза нарсанинг ўзи йўқ. Ўзингизга қаранг, ҳали ёшсиз, у аёл эса ҳадемай нафақага чиқадиган аёл бўлса. Ҳали ҳам кеч эмас...

Одатда ўзбек қизларимиз иболи, ҳаёли, тарбия кўрган, эркак кишининг кўзига тик қарамайдиган бўлишади. Қизларнинг рўзғор тутишга, пишириб-куйдиришга, бичиш-тикишга ўргатамиз-у, турмушнинг нозик томонларига келганида эса ҳали ёшлик қиласан, кези келганида билиб оласан, уят бўладидан нарига ўтмаймиз. Қизларимиз ўртоқларидан эшитиб, ўзларича ҳаётга тайёрланиб-тайёрланмай, билиб-билмай турмуш қуришади. Балким мен ноҳақдирман, шаҳарлик баъзи қизларга бу тегишли эмасдир. Аммо тиббий нуқтаи назардан қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ўргатиш керак деб ўйлайман. Шундагина аёлларимиз аввалига фарзандларидан, уйлагач келинларидан ийманиб, турмуш ўртоқларининг кўнглига қарай олмай, 40 дан кейин уларда ҳам иккинчи "ўтиш даври" бошланганини билмай ҳам қолишади. Шундай даврда эса баъзи эркаклар Эргаш ака каби ҳолатга тушиб, ёшлигини қўмсаб қоладилар.

Яхшиямки, Дилфузахон зийраклик қилиб, ДНК таҳлилини ўтказиб, Эргаш аканинг кўзини очиб қўйибсиз. Энди ўтган ишга саловат. Тўғри, сизга осон деб бўлмайди. Ҳиёнатни кечириш оғир. Аммо энди ўша ҳақда гап очишнинг ўзи ноўрин. Кўнглингиздаги музнинг эриши қийин. Ўзингизни ҳадеб қийнаманг. Вақт - олий ҳакам. Вақт даволайди. Бу беш кунлик дунё, ўтади-кетади. Эргаш акангизнинг яхши-ёмон кунларида барибир сиз кераксиз. Бир зумгагина у кишини "йўқ" деб фараз қилинг, умрлари узоқ бўлсин-у, "Ёмон бўлса ҳам, омон бўлсин", дейишингиз тайин. Шу ўринда Эргаш акага ҳам айтар сўзим бор:

- Энди, умрингизнинг ярмидан кўпини яшадингиз, яхши-ёмон кунларингиз Дилфузахон билан биргаликда ўтди. Турмуш ташвишлари-ю, қувончларини баҳам кўрдингиз. Невараларингиз ҳам бор. Энди сизга ўшалар билан яна мулоқотда бўлишнинг ўзи уят, ярашмайди. Кўнгил қурғурнинг эмас, бу ёғига ақл билан иш тутинг. Умрингиз охиригача Дилфузахоннинг кўнглига қараб, меҳрингизни аяманг. Охиратингизни ҳам ўйлаб, ақл билан яшанг. Токи, сиздан кейин фарзандларингизнинг боши хам бўлмасин.

**Манзура САФАРОВА,**
**Зангиота тумани.**

---

Бу мақолани ўқиб жуда таъсирландим. Дилфуза исмли бу аёл оиласини муқаддас билган, яна ўттиз йилдан буён ўқитувчилик касби билан шуғулланиб келаётган оқила аёл эканлар. Турмуш ўртоқлари шундай аёлнинг қадрига етмай нодонлик қилибди. Мақолани ўқиб туриб, ўзим билган, кўрган бир воқеа ёдимга тушди:

Раймқул деган бир йигит ота-онадан ёш етим қолиб, амакилари қўлида вояга етди. У камгап, ювош, меҳнаткаш йигит эди. Ҳайдовчилик касбини эгаллаб пул топа бошлагач, уни қўшни қишлоқдаги бир яхшигина қизга уйлантириб қўйишди. Эр-хотин бир-бирларига жуда меҳрибон бўлиб, учта фарзандли бўлишди. Аста-секин болалари ҳам улғая бошлади. Бир куни Раймқулнинг туғилган кунига унинг қадрдон дўсти хотини билан меҳмонга келади. Тўкингина дастурхон атрофида тўртовлон яхшигина еб ичишади. Меҳмон йигитнинг кайфи анча ошиб қолади. Ичига "шайтон суви" кирган Раймқул хотинининг ўз иши билан андармон бўлиб, кириб-чиқиб юрганида дўстининг хотини билан тил топишиб, улар бир-бирларини "ёқтириб" қоладилар. Шундан кейин ҳуфиёна учрашувлар бошланади. Қишлоқчилик эмасми, бундан Раймқулнинг хотини хабар топиб, болаларини олиб, ота-онасиникига кетиб қолди. Маҳалла аҳли ҳам бу можарони ҳал қилишга аралашса-да, барибир уларнинг оиласи тикланмади. Фарзандлари эса Раймқулнинг ҳар замонда юборадиган совға-саломларидан хазар қиладиган бўлишди. Шу тариқа эр-хотин ажрашди. Раймқул дўстининг хотинига уйланиб олиб, унинг эргаштириб келган икки боласига оталик қила бошлади.

Тавба, одамзотнинг бунчалик-ка боришини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Уят, андишани йиғиштириб, эл кўзида шундай нопок ишларни қилиб юрган бу каби кап-катта одамларга нима ҳам дейсан? Шундай қилиб Раймқул иккинчи хотини билан ҳам бир неча йиллар яшаб юрди. Кейинчалик у иш баҳонасида шаҳарга серқатнов бўлиб қолди. Бир куни эрталаб шаҳарга деб кетиб, кечга яқин ранги-рўйи бир аҳволда касал бўлиб уйига қайтиб келди. Кўнгли айниб ўқчий бошлади. Аҳволи оғирлашганини кўрган қўшнилар унинг хотинига "тез ёрдам" чақиришни маслаҳат беришди. "Тез ёрдам" Раймқулни зудлик билан касалхонага олиб кетди ва уни яхшилаб текшириб кўришиб унинг захарланганлигини айтишди. Шифокорларнинг сўроқларига жавобан Раймқул шаҳарда ҳам никоҳсиз хотини борлиги, охирги марта уникида овқатланганлиги-ю ва аста-секин мазаси бўлмай уйига зўрға етиб келганлигини айтиб, шифохонада жон берган.

Мана, хотин олиб, хотин қўйишнинг оқибати. Мен буларни шунчаки ёзганим йўқ. Чўнтагида пули кўпайиб ўз жуфти-ҳалоли, фарзандларига ҳиёнат қилган, "қўш хотинлик" балосига йўлиққан айрим пулдор бойваччалар бундан ўзларига керакли хулоса чиқариб олсалар ажаб эмас. Акс ҳолда бирда бўлмаса, бир куни мана шундай фожеанинг юз бериши аниқ.

**Дилбар ЭРНАЗАРОВА,**
**Гулистон шаҳри.**

---

# БАХТСИЗЛИК БАХТ САРИ ЕТАКЛАР

*"Йўлимни йўқотдим" - 15-сон*

**ЭСЛАТМА: Бошлиғимга кўнглим тушиб қолган эди. У мени бадном қилгандагина алданганимни сездим. Кейин ўч олиш мақсадида пойтахтга келиб, бир фирибгарнинг қўлига тушиб қолдим. Шундан буён разолат ботқоғидан чиқолмаяпман.**

**Муаллиф: Барно РУСТАМОВА**

Мақола қаҳрамони—қизгина биринчи бор йигит кишининг, кейин эса аёл кишининг алдови қурбонига айланди!..

Лекин нотаниш сингилгинам, сиз тушкунликка тушманг. Ҳа, ҳаёт худди мана шундай: темирчининг болғасига ўхшайди - ҳам мажақлайди, ҳам тоблайди. Сиз ўзингизни қўлга олинг, иродали ва ўзингизга, фақат ўзингизга ишонадиган инсонга айланинг. Негаки, ҳар қандай туманда ҳам йўл топса бўлади.

Имкон борида, эсингизни йиғиб, эртангизни ўйланг. Сиз учун ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат. Ахир сиз ёшсиз, ишлашингиз, эҳтимол, билим олиш имконингиз ҳам бордир. Ҳаёт эса фақат разил ва худбин инсонлардан иборат эмас. Ишласангиз, ғам-ташвишингиз унут бўлади. Ёру биродарингиз кўпаяди. Ана ўшанда сизнинг бу қора кунларингиз ҳам унут бўлади.

Ахир, машойихлар ҳам бежизга:

***Дилинг куймасин ноумидлик билан,***
***Ёруғ кун туғилгай қаро кечадан,*** - деб айтишмаган.

**Фарида ТОҲИРОВА**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Азиз САЛИМА онажонимиз!**

Сиз шифокор волидамизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Сизга соғлик-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. Бахтимиздан қувониб, роҳатимизни кўриб юраверинг!

Оила аъзоларингиз.



**Хонқалик дўстимиз Курамбай ОТАЖОНОВ!**

Сиз азизимизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Хонимжон ая билан чиройли оилангизга, жажжи набираларга бош бўлиб юринг. Соғ бўлиб, узоқ умр кўринг!

Тошкентлик ижодкор дўстларингиз номидан Басира.

**ИСМОИЛЖОН ва ЗАҲРОХОН!**

Сизларни таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Юзларингиздан кулгу, лабларингиздан табассум аримасин.

И. Адҳамов.

**Жияним БАХТИЁР!**

Туғилган кунинг муборак бўлсин. Бахтинг бутун, тани-жонинг соғ бўлиб, ҳамиша хуш-хандон юргин.

Холанг Муяссар.

Фирмаларга бош ҳисобчи тайёрлайман. Репетиторлик қиламан. ТЕЛ: 397-31-55

Юнусобод тумани, А.Дониш кўчаси 4/2/33-манзилидаги **"МЧЖ АРМЕКСИМ"** фирмаси ўз фаолиятини тўхтатади. **ТЕЛ: 103-91-21**




# ЖАСУРБЕК, ДЕБ ИСМ ҚЎЙДИК

Хоразмнинг Хонқа туманида яшайман. Мустақиллик байрами арафасида бизнинг хонадонимизда қувончли воқеалар жуда кўп бўлди. Шулар орасида энг ажойибини юртдошларим билан баҳам кўрмоқчиман.

Яқинда набираларим сафи яна биттага кўпайди. Ёлғизгина қизимнинг илк фарзанди ўғил бўлди. Қувончимизнинг чеки йўқ. Келгусида мард ва жасур бўлиб ўссин, дея унинг исмини Жасурбек қўйдик.

Қизимнинг қайнонасию қайнотаси, турмуш ўртоғи Мансурбекдан бахтли одам йўқ. Уларни набиралари билан шу газета орқали қутлагим келди. Бешик тўйи куни набирамни обрў-эътиборли йигит бўлиб етишсин, дея ният қилдик. Шундай саодатманд кунга етказган Оллоҳга шукр! Набирам ҳам улғайгач мен каби "Оила ва жамият" газетасининг мухлисига айланишига ишонаман!

**Заргарлар сулоласи номидан Курамбай ОТАЖОНОВ, Хоразм вилояти, Хонқа тумани.**

# ҲУШЁР БЎЛСАНГИЗ!..

Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшайдиган Санобархон бозорга отланди. Уйда эса икки қизалоғидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Қизалоқлар эса онасининг йўқлигидан фойдаланиб, ошхонага киришди. Музлаткични очишди, газ плитанинг қулоғини бурашди. Сўнг уни шундоқлигича қолдиришиб ичкарига кириб қўғирчоқ ўйнай бошлашди. Орадан анча вақт ўтиб уйга келган Санобархон йўлакдаёқ газ ҳидини сезди. Шошиб эшикни очиб, электр чироқ тугмачасини босганди... Гумбурлаб портлаган овоздан кўп қаватли уйдаги барча деразалар чил-чил синди. Икки қизалоғи билан Санобар эса парчаланиб кетишди...

Охирги пайтда газ асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларни қаровсиз қолдириш оқибатида мана шундай фожеалар юз бермоқда. Агар Санобархон ҳам газ қувурининг тепа қисмига ўрнатилган умумий уланадиган жойидан газни ўчириб кетганида бу фожеа юз бермасди. Газдан фойдаланишда оддий қоидаларни бажариш шарт. Яъни, ёнаётган олов устига кир ёймаслик, болаларни газ плитасига яқинлаштирмаслик керак. Газдан фойдаланган пайтда ҳар доим ошхона дарчаси очиқ тургани маъқул. Суюлтирилган газ баллонлари плитадан 0,5 метр ва иситиш қувурларидан бир метр узоқликда жойлашган бўлиши зарур.

Барча хонадонларда ҳар куни газ ва электр қувватидан фойдаланилади. Шундай экан хонадон соҳиблари аввало электр улагич симлар, уларнинг изоляцияси соз ҳолда бўлишига эътибор беришлари, зарур ҳолларда дарров электромонтёрни чақиришлари керак.

Азиз юртдошлар! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали сиз давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўз яқинларингиз ҳаётини асраб қоласиз.

**Фарҳод ТУРСУНОВ, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ ходими, капитан.**




# СИРЛИ ОГОҲЛАНТИРИШ

Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтига янги ишга келган пайтларим эди. Ҳамма ёш олимларнинг мақсади бир - иложи борича тезроқ илмий даражамизни ёқлаб, домлалар ишончини оқлаш. Номзодлик даражасига етишгунча тез-тез матбуотда илмий мақолалар билан қатнашиб туришимиз керак эди. Айниқса, илмий журналларда камида учтадан мақола эълон қилиш керак. Шу сабаб институтимизда чиқаётган "Ўзбек тили ва адабиёти" журналига мақола тайёрлаш барча ходимларнинг ўрганган одати эди.

Мен ҳам бир мақола ёзиб, журналнинг масъул котиби Маматқул Жўраевга бердим. Мақола озгина ўзгартиришлар киритиш маслаҳати билан журналда чиқадиган бўлди.

Орадан анча вақт ўтди. Мақоламнинг тақдири ҳақида сўрашга ийманиб, вақтни ўтказиб юраверибман. Бир куни илмий раҳбарим раҳматлик Абдурашид Абдуғафуров қораламаларимни кўздан кечира туриб: "Мана бу қисмини қайтадан бир текшириб, у ёқ-бу ёғини тўғриланг-да, ўзимизда чиқаётган журналга топширинг", - дедилар. Мен журналга мақола бериб қўйганимга анча вақт бўлганини, нима сабабдандир чиқмаганини айтган эдим, устозим дарров масъул котибга телефон қилиб, бунинг сабабини суриштирдилар. Улар бу мақола тамоман эсларидан чиқиб кетганини айтиб домламдан узр сўрадилар-да, мени олдиларига чақирдилар. "Мана шу сафарги сонида сизнинг мақолангизни албатта бериб юбориб, айбимни юваман, бироқ унда бир етишмовчилик бор экан. Битта жойда бир олимнинг фикрларини ишлатибсизу, бунга эслатма бермабсиз", - деди у мақолани менга кўрсатаётиб. Кейин таъкидлаб қўйди: "Агар шуни душанба куни аниқ тўғрилаб келаман, деб ваъда берсангиз, мен ҳозироқ мақолангизнинг журнал вариантини тўғрилаб қўяман».



Мен албатта олиб келишга ваъда бердим. Бироқ улар негадир менинг эсимдан чиқиб қолишидан қўрқиб, ҳадеб қайта-қайта тайинлар эди. Охири у агар душанба куни шу эслатма келмай қолса, журналда менинг мақоламга ажратилган жойнинг очиқ қолиши-ю, натижада журналнинг чоп этилиши ҳам кечикиши мумкинлигини, демак кейин масъул котибнинг "бошлари кетажагини" айтиб, мендан дам олиш куни ҳар эҳтимолга қарши эслатиб қўйиш учун уйимнинг телефонини сўради. Бу пайтларда мен ижарада турардим, телефоним ҳам йўқ эди. Масъул котибни яна бир марта қаттиқ ишонтирдиму, ўзимга обдон ишониб, буни ҳатто ён дафтарчамга ҳам белгилаб қўймасдан, уйга кетдим.

Уйга келсам, Хоразмдан учтўртта меҳмон келиб ўтиришибди. Келган меҳмонлардан бирини "Ботаника" санаториясига олиб бориш, яна бир меҳмонимизнинг қизини эса қўлидаги йўлланма бўйича ТошМИга жойлаштириш керак экан. Шу муаммолар билан бўлиб, ваъда берган нарсам бутунлай эсимдан кўтарилиб кетибди.

Дам олиш куни ярим кечасида қаттиқ ухлаб ётган эканман, кимнингдир қулоғим тагига келиб: "Абдулла Авлоний. "Ўт чақнаган сатрлар". 1984 йил, Ғафур Ғулом нашриёти", - деб шивирлаган овозидан чўчиб уйғониб кетдим. Ўрнимдан туриб соатга қарасам, икки ярим бўлаяпти. Тавба, ким экан бу қулоғимга шивирлаб кетган одам? Шоша-пиша эскигина тумбочка устида турган бир даста китобни битта-ма-битта кўра бошладим. Шу номли китобни қўлимга олиб варақлаб кўрсам, во ажабо, худди тушимда айтилган ўша нашриёт ва китоб чоп этилган йилнинг рақами! Уйқум қочиб кетди. Мени ваҳима боса бошлади. Ким эди бу қулоғимга шивирлаган одам?

Мана орадан йигирма йилча вақт ўтган бўлса ҳам, ҳали ҳамон бу сўроқ мени ўйлантиради - мени бир шармандаликдан асраган кимса ким эди ўзи? Балки шу китоб муаллифининг руҳи менга ёрдамга келгандир? Ёки бутун умрини адабиётга бағишлаган, ўқиб юрган пайтларимда совуқнинг қирчиллама кунларига ҳам, ёзнинг жизиллатиб куйдираётган иссиқларига ҳам қарамасдан, эртанги семинар дарсида яхши баҳо олишим учун дийдираб, оч-наҳор кутубхоналардан менга керакли материалларни топиб келиб, худди ўзининг бир муҳим ишини битказгандек хурсанд ҳолда менга ёзиб келган нарсаларини топширадиган азиз отажонимнинг руҳларимикан, билмадим?.. Ким бўлса ҳам, у менга Оллоҳ томонидан юборилган бир мадад бўлди.

**Гулсара УБАЙДУЛЛА қизи**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Тиниб-тинчимаслигингиз, фаоллигингиз бу ҳафтада муносиб тақдирланади. Якшанбани ижодий ишларга сарфлаган маъқул.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Ҳафта ўрталарида ишхонада зиддиятга боришдан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунларини фарзандларингизга бағишланг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** -Атрофингиздагиларнинг фикрларига қулоқ тутинг. Улар ғояларингизни амалга оширишда қўл келиб қолиши мумкин.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Рақибларингизга юзаки баҳо бера кўрманг. Улар биргина хатоингизни кутиб туришибди. Хужжатларни имзолашда ҳам эътиборли бўлинг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Душанба ва сешанба кунлари йиғилиб қолган ишларингизни якунлаб олинг. Ҳафта охири сафарга чиқиш учун жуда қулай.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Сешанба ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш, шартномалар имзолаш учун қулай кун. Пайшанбада кайфиятингиз бузилиши мумкин.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Чоршанба куни ўзингизни бироз толиққандек ҳис қиласиз. Шу боис ҳафта охирида шаҳар ташқарисида дам олишни режалаштираверинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ҳафта давомида бутун диққат-эътиборингизни ишхонангизга ва моддий аҳволингизни ўнглаб олишга йўналтиришингизга тўғри келади.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Режа ва орзуларингиз амалга ошиши, моддий аҳволингиз ўнгланиб, ҳафтанинг ҳар жиҳатдан омадли келиши кутилмоқда.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** -Ҳафта давомида «бир қадам олдинга, икки қадам орқага» нақлига амал қилиб иш тутсангиз, асло ютқазмайсиз. Керак пайтда чекинишни ҳам билиш зарар қилмайди.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Бутун ҳафта югур-югурлар, тадбирлар билан ўтиши кутилмоқда. Оқибатда ҳам руҳан, ҳам жисмонан чарчайсиз.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** -Атрофингиздагилар билан ораларингиздан «қора мушук» ўтиб қолиши мумкин. Чоршанбада қарз олишингизга тўғри келади.



Ишчи
Маъдан сероб жой
Шаҳар (Тошкент вилоятида)
Тулпор
Жумбоқ
Немис
Тавба-...
Денгиз
Ориқ, қилтириқ
... Али ибн Сино
Нарса
... Тожибоев
Ён дафтар
Хот-...
Қабр
Штат (АҚШ)
Жория, чўри
Темир хотин
Ғўза гули
Сичқон сиғмас ...
Митти қуш
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ
Сон
Айбсизлик исботи
Қўй товуши
Кечки намоз
Оқ ...!
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ
Эпизод, лавҳа
Авто қисми
...-Замахшарий
Ақл-идрок
Далиллаш
Марҳум малика
Чоҳ, чуқур
Полиз экини
Кичик водий
Жоним билан
Жаноб (Полша)
Осуда, тинч
Эрнинг хотинига мурожаати
Адабий жанр
Одим (балет)
Уй тепаси
Самолёт русуми
..., Ол!
...-Де Жанейро
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ
Айём, ийд
Ҳашарот
Толе қуши
Улуғ зот



Тана суюқлиги
Хамирли таом
Урф-одат
Сув ўти
Челак, сатил
Жайхун
Собир ... (Адиб)
Шахмат устаси
Футбол қисми
... Бурхонов
Футбол ҳолати
Гулханий асари
Диёнат, виждон
Ҳашарот
Чимилдиқ
Олмош
Зичлик ифодаси
Сабзавот
Эҳтиёж, талаб
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ
Крис...
Иссиқ сақловчи идиш
... Ҳамроев (актёр)
Дада (шева)
Финн ҳаммоми
... Рисқиев
Футбол клуби
Шахмат ҳолати
Олмон физиги
...-Ишора
Қабиҳ, аблаҳ
Ёғ
Қалб, юрак
Пайғамбар куёви
Қўмак, мадад
Бурч, субут
Мансаб
Алвон, қирмиз
Она (шева)
Този, лайча
Либос урфи
Араб гитараси
Динсиз
Матал, хикмат
Рус адиби
"Жуда зўр" (инглиз)
Доно, ақлли
Жуда, роса
Антик Волга
Брюс ...
... Поло (сайёҳ)
"Қийин" (акси)
Дирижёр либоси
Манглай тери
Черков мусиқа асбоби
Исм, ном
Қаҳр-...
Нота
Меҳнат
Чиқим, харажат
Юпитер йўлдоши
Уй ҳайвони
Она (татар)
Қирлик
Кийим қисми
Қудуқли сув тизими
Палов
Томон



София Назарова фотосуратлари

## TV-MARKAZ

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
14.20 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.00 «Миссия неповторима» (повтор)
16.30 Узбек наволари
17.00 «Очил дастурхон» (пов)
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал «Д`Артаньян и три мушкетёра» 1-серия
20.50 Мировые хиты
20.30 «Великолепная семёрка» (повтор)
21.00 Узбек наволари
22.00 Лучшие фильмы всех времен «451 градус по Фаренгейту»
00.20 Миксер

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро»
8.30 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм
9.30 «Детективы»
10.00 «Малахов + «
11.00 Новости
11.15 Сериал «Талисман»
12.00 «Бизнес на родах». Документальный фильм
13.00 Другие новости
13.20 Криминальная Россия. «Черная маска», 2-я серия
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 «Богиня прайм-тайма».Многосерийный фильм
15.20 «Подводный мир Андрея Макаревича»
15.55 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 Премьера. «Понять. Простить»
17.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
18.55 «Федеральный судья»
20.00 Время
20.30 Премьера. «Богиня прайм-тайма». Многосерийный фильм
21.20 «Михаил Круг. Убийство по законам жанра». Документальный фильм
22.25 «На ночь глядя»
23.10 Сергей Безруков в фильме «Вместо меня» (2000 год)
0.55 Приключенческий фильм «Белый клык-1»
2.00 Время
2.30 Приключенческий фильм «Белый клык-1». Продолжение
3.05 «Летаргический сон». Документальный фильм

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 «Ахмат Кадыров. Последний парад победителя».
8:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
11:50 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
12:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 «Суд идет».
15:00 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долинский и Анатолий Лобоцкий в телесериале «Волчица».
17:40 РУССКАЯ СЕРИЯ. Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
19:30 «Спокойной ночи, малыши!».
19:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:55 Футбол. Лига Чемпионов. «Спартак» (Москва) - «Слован» (Чехия). Прямая трансляция.
22:00 ВЕСТИ.
22:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
22:50 Галина Польских в остросюжетном фильме «Змеелов». 1985г.
0:50 «Дорожный патруль».
1:10 «Закон и порядок»
2:00 Остросюжетный сериал «Джонни Зиро»
2:40 Канал «Евроньюс» на русском языке.
3:45 ВЕСТИ.

## ПАЙШАНБА 24

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 "Юртим бўйлаб" дастури: "Қизилтепа".
"Ёз – ўтмоқда соз":
9.00 1. "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
2. "Катта бўлишни хоҳламайман". Болалар учун фильм.
10.50 ТВ анонс.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлинг!"
11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.55 "Дил таронаси".
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
12.10 "Таълимга эътибор – келажакка эътибор".
12.30 "Дурдаршан".
12.50 "Шаффоф кўл". Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Жаҳон мусиқаси хазинасидан". Д. Пуччини. "Манон Леско". 1-қисм.
"Болалар сайёраси":
16.25 1. "Болалар дунёси".
2. "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан.**
"Ватан фидойилари".
17.15 Эски альбом.
17.20 "Имконият".
17.40 "Шифокор қабулида".
18.00 "Сиёсат оламида".
**18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан.**
"Мен туғилган юрт". 1-қисм.
18.35 "Буюк Амир Темур". Видеофильм. 4-қисм.
19.00 ТВ анонс.
19.05 "Оҳанглар оғушида".
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!"
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллгининг 15 йиллиги олдидан.
"Бир ўлка-ки. "
22.00 "Шаффоф кўл". Телесериал.
23.05 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.15 "**Ю**ртим бўйлаб" дастури: "Қандай гўзал бу дунё".
23.30 "Кўзларинг маъюс". Бадиий фильм. 1-қисм.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 "Анпанман". Мультсериал.
8.35 Китоб жавони.
8.45 "Фан" туркуми: "Ер ости хазиналари".
8.55 Кино SMS.
9.00 "Ёлғон асираси". Сериал.
9.45 Полапон.
10.00 Давр.
10.15 Ватан ҳақида ўйлар.
10.20 **"ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ". 2-қисм.**
11.20 Тараққиёт сари.
11.40 "Ажойиб хаёлпараст". Бадиий фильм.
12.55 Анонслар.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 "Фан" туркуми: "Табиатни тозаловчилар".
14.25 Дунё бўйлаб. 2-қисм.
14.40 Автопатрул.
15.00 "Экспедиция". Сериал.
15.50 Ёшлик наволари.
16.00 Давр.
16.15 Анонслар.
16.20 Ҳандалак.
16.40 Ёнимдаги бахт.
16.45 Чемпион сирлари.
17.05 Ватан ҳақида ўйлар.
17.10 Антиқа томоша.
17.40 Кино SMS.
17.45 Сифат белгиси.
17.55 Анонслар.
18.00 "Баҳор қайтмайди". Видеофильм. 4-қисм.
18.40 Давр мавзуси.
18.55 Менинг диёрим!
19.00 Давр.
19.30 Анонслар.
19.35 "Машҳура" қизлари.
20.10 Маънавият масканлари.
20.30 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига:**
"ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ". 3-қисм.
21.30 Аждодлар садоси.
21.35 SMS-наволар.
22.00 Давр.
22.30 Кино SMS.
22.35 "Сеҳрли диёр". Бадиий фильм.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм. "Покахонтас".
18.15 Мусиқа SMS.
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/.
18.45 "Анонс".
18.50 "Телекурьер-маркет".
19.10 "Ҳақиқат". Телесериал.
20.00 **"Пойтахт" ахборот дастури.**
20.15 "Анонс".
20.20 "Репортаж".
20.30 "23, 5 даражали бурчак остида". Ҳужжатли телесериал.
21.00 "Жозиба".
21.15 "Эрудит".
**21.30 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/.**
21.45 "Анонс".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига "Маърифат фидойилари".**
**22.30 "Пойтахт" ахборот дастури.**
22.45 "Анонс".
22.50 Кино. "Омадли жентельменлар" (рус).

### SPORTV

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 "Андерсен эртаклари".
9.00 "Хабарлар" (ўзб)
9.20 "Спорт – клуб".
9.40 "Ҳаёт гўзал". Сериал.
10.40 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
11.15 "Талисман". Сериал.
12.00 -13.00 Волейбол. Жаҳон лигаси. Финал турнири. "Sport" телерадиоканали.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.50 "Бешинчи ўлчов". Ҳужжатли фильм.
19.20 "ГеймСетМатч" теннис шарҳи.
19.40 "Шарқ яккакурашлари".
20.00 "Вести".
20.25 "Ҳаёт гўзал". Сериал.
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 "Беллашув". Дам олиш дастури.
22.50 Еврофутбол.

### TV-MARKAZ

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Мировые хиты
14.00 Спецрепортаж
14.20 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.00 Узбек наволари
16.30 «Великолепная семёрка»
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал «Д`Артаньян и три мушкетёра» 2-серия
20.50 Узбек наволари
21.00 «Юлдузли пайшанба»
21.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
21.50 Узбек наволари
22.00 Х/ф «Ярим бахт»
23.40 Миксер

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.30 «Агент национальной безопасности».
9.30 «Детективы»
10.00 «Малахов +»
11.00 Новости
11.15 Сериал «Талисман»
12.00 «Михаил Круг. Убийство по законам жанра».
13.00 Другие новости
13.20 Криминальная Россия. «Курортный капкан», 1-я серия
14.00 Новости.
14.20 «Богиня прайм-тайма». Многосерийный фильм
15.20 «Подводный мир Андрея Макаревича»
15.55 «Пусть говорят».
17.00 Вечерние новости.
17.15 Премьера. «Понять. Простить»
17.50 «Любовь как любовь».
18.55 «Федеральный судья»
20.00 Время
20.30 Премьера. «Богиня прайм-тайма».
21.20 «Экстрасенсы». Документальный фильм
22.25 «На ночь глядя»
23.10 Х/ф «Крутые парни»
0.55 Приключенческий фильм «Белый клык-2»
2.30 Приключенческий фильм «Белый клык-2». Продолжение

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 «Семь тайн Третьяковской галереи».
8:45 ВЕСТИ.
9:00 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:50 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
11:50 «Частная жизнь».
12:50 ВЕСТИ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13:40 «Суд идет».
15:00 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка».
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Анатолий Лобоцкий в телесериале «Волчица».
18:40 ВЕСТИ.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
22:15 «Бомба для певца. Владимир Мигуля».
23:15 «ВЕСТИ+».
23:35 Джош Хартнетт в фильме «Безумно влюбленные»
1:25 «Дорожный патруль».
1:45 «Закон и порядок»
2:30 Остросюжетный сериал «Джонни Зиро» (США).
3:15 Канал «Евроньюс»
3:45 ВЕСТИ.

## ЖУМА 25

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 "Юртим бўйлаб" дастури: "Қандай гўзал бу дунё".
"Ёз – ўтмоқда соз":
9.00 1. "Цирк, цирк, цирк".
2. "Ишбилармон кишилар". Болалар учун фильм.
10.40 ТВ анонс.
10.45 Дутор тароналари.
10.55 "Сизнинг адвокатингиз".
11.00 "Ахборот".
11.15 "Омон бўлинг!"
11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.00 "Ҳажвия бисотидан".
12.25 "Одамлардан бири".
12.50 "Шаффоф кўл". Телесериал.
13.50 "Зилол". Фольклор қўшиқлар.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Жаҳон мусиқаси хазинасидан". Д. Пуччини. "Манон Леско". 2-қисм.
"Болалар сайёраси":
16.25 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
16.45 "Меҳр кўзда". Хатларга шарҳ.
17.00 "Ахборот".
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Бизнес янгиликлари".
17.35 ТВ анонс.
17.40 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
18.00 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
18.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан.**
"Мен туғилган юрт". 2-қисм.
18.35 "Буюк Амир Темур". Бадиий фильм. 5-қисм.
19.05 "Оҳанглар оғушида".
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан.**
"Ватан фидойилари".
19.30 "Ахборот" (рус)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!"
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал.
21.00 "Ахборот".
21.40 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан.**
"Бу менинг Ватаним!"
22.10 "Шаффоф кўл". Телесериал.
23.25 "**Ю**ртим бўйлаб" дастури: "Бўстонлиқнинг бир куни".
23.40 "Кўзларинг маъюс". Бадиий фильм. 2-қисм.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 "Анпанман". Мультсериал.
8.35 "Кичкинтой" театри: "Ростгўй бола".
8.45 "Фан" туркуми: "Ер ости хазиналари".
8.55 Кино SMS.
9.00 "Ёлғон асираси". Сериал.
9.45 ТВ-дорихона.
9.55 Анонслар.
10.00 Давр.
10.15 Ватан ҳақида ўйлар.
10.20 **"ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ". 3-қисм.**
11.20 Интерфутбол.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 "Фан" туркуми: "Табиатни тозаловчилар".
14.25 Давр мавзуси.
14.40 Маънавият масканлари.
15.00 "Экспедиция". Сериал.
15.50 Ёшлик наволари.
16.00 Давр.
16.15 Анонслар.
16.20 "Машҳура" қизлари.
16.40 Кино SMS.
16.45 "Суғур куни". Бадиий фильм.
18.25 Солиқ хизмати хабарлари.
18.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.55 Менинг диёрим!
19.00 Давр.
19.45 Матонат.
20.00 Спорт-лото.
20.30 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига:**
"ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ". 4-қисм.
21.30 "Моя мечта". Дунё таомлари.
22.00 Давр.
22.35 "Томоша бошланади!" Комедия.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Мультфильм.
18.30 "Пойтахт".
18.50 "Телекурьер-маркет".
19.10 "Ҳақиқат". Телесериал.
20.00 **"Пойтахт".**
20.20 "Афиша".
20.30 "23, 5 даражали бурчак остида".
21.00 "Жозиба".
21.15 "Эрудит".
**21.30 "Пойтахт".**
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 **2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили:**
"Саломат бўлинг". /рус/.
**22.20 "Афиша".**
**22.30 "Пойтахт".**
22.45 "Анонс".
22.50 Кино. "Кавказ асираси" (рус).

### SPORTV

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 "Андерсен эртаклари".
9.00 "Хабарлар" (ўзб)
9.25 "Ҳаёт гўзал". Сериал.
10.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
"Машъал" - "Тўпаланг".
11.15 "Талисман". Сериал.
12.00-13.00 Волейбол. Жаҳон лигаси. Финал турнири. "Sport" телерадиоканали.
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.55 "Мўжизалар майдони".
20.00 "Вести".
20.20 Концерт дастури.
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 "Фаришта". Бадиий фильм.
23.40 Еврофутбол. Европа суперкубоги. "Барселона" - "Севилья". Испания (Тўғридан – тўғри олиб кўрсатилади).

### TV-MARKAZ

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 «Юлдузли пайшанба» (повтор)
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Мировые хиты
16.30 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
16.50 Узбек наволари
17.00 «Судьбы» (повтор)
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал «Д`Артаньян и три мушкетёра» 3 серия
20.35 Мировые хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино «Кинг Конг»

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.35 «Агент национальной безопасности».
9.30 «Детективы»
10.00 «Малахов + «
11.00 Новости
11.15 Сериал «Талисман»
12.00 «Экстрасенсы». Документальный фильм
13.00 Другие новости
13.20 Криминальная Россия. «Курортный капкан», 2-я серия
14.00 Новости.
14.20 «Богиня прайм-тайма».
15.15 «Подводный мир Андрея Макаревича»
15.55 «Пусть говорят».
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 Премьера. «Понять. Простить»
17.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
18.55 «Поле чудес»
20.00 Время
20.25 Лариса Долина, Лев Лещенко, группа «Любэ» и другие в бенефисе Геннадия Хазанова
22.30 Николас Кейдж, Бриджет Фонда в фильме «Это могло случиться с тобой»
0.15 Комедия «Скажи, что это не так»
2.00 Время
2.25 Майкл Кейн в триллере «Приговор» (2003 год)
4.10 «Искусство делать деньги». Документальный фильм
4.40 «Шутка за шуткой»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 «Мой серебряный шар. Сын Горького, брат Свердлова». Ведущий - Виталий Вульф.
8:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
11:50 «Мусульмане».
12:05 «Вся Россия».
12:15 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 «Суд идет».
15:00 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка».
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долинский и Анатолий Лобоцкий в телесериале «Волчица».
18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 ПРЕМЬЕРА. «Юрмала-2006». Международный фестиваль юмористических программ.
22:10 Сергей Бодров-мл., Виктор Сухоруков и Юрий Кузнецов в фильме Алексея Балабанова «Брат». 1997г.
0:15 Жан-Клод Ван Дамм в боевике «Кикбоксер» (США). 1989г.
2:15 «Дорожный патруль».
2:30 «Горячая десятка».
3:25 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
4:10 Сериал «Джонни Зиро» (США). 2005г.

## BOLALAR Burchagi

*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*

***Ushbu rasmlar mualliflari:***
***Andijon viloyati, Marhamat tumani, 35-maktabning 8-sinf o'quvchilari Shahboz JUMABOYEV va Rustamjon TESHABOYEV.***



*R. TESHABOYEV.*





*Sh. JUMABOYEV.*



**Турмушда ҳар лаҳзада турли-туман бахтсиз ҳодисалар тўсатдан рўй бериши мумкин. Халқда "Фалокат оёқ остидадир, у жонинг қасдидадир", деган нақл бор. Фалокатларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ҳар кимнинг ўз қўлида. Бунинг учун ҳар доим, ҳамма жойда зийрак, тийрак, ҳушёр ва сергак бўлиши лозим.**

# ОГОҲ БЎЛГИН, БОЛАКАЙ!




*Бувим тақиб кўзойнак,*
*Тикардилар иш, кўйлак.*
*Чирт этиб ип узилди,*
*Авзойилари бузилди.*
*Ҳарчанд уринмасинлар*
*Игнага ип ўтмади.*
*Бувижонимнинг менсиз*
*Юмушлари битмади.*
*- Эҳтиёт бўл, - дедилар,-*
*Бир фалокат бошлама!*
*Кейин чекиб оҳу-воҳ,*
*Кўзларингни ёшлама!*
*- Кўрамиз, - деб игнага*
*Ип ўтказа бошладим,*
*Лекин ҳовлиққанимдан*
*Икки кўзим ёшладим.*
*Ногоҳ бош бармоғимга*
*Игна учи кирди-ку!*
*Қон тирқираб, танамда*
*Оғриқ зир югурди-ку!*
*Шунда бувим сўзларин*
*Донолигин англадим.*
*Фалокатнинг қаердан*
*Пайдолигин англадим.*

• • •

*Ёнғин чиқса бир ердан,*
*Ё ўчоқдан, тандирдан,*
*Ўрин бермай қўрқувга*
*Югур челак, қум, сувга!*
*Ўчир газ, электрни,*
*Дарров териб нол бирни,*
*Оловкорларни чақир,*
*Халоскорларни чақир!*

• • •

*Газ ҳидини сезганда,*
*Отдан туш, ғурурни сур!*
*"Сиз" деб гаплаш газ билан,*
*"Сен" десанг ўзингдан кўр!*
*Йўқдир газнинг тутуни,*
*Сезгач унинг ҳидини,*
*Дераза, эшикни оч,*
*Ўзинг бир чеккага қоч!*
*Сўнг шошма, ўйлаб иш тут,*
*Ёқма чироқ, ё гугурт!*
*Телефонга тез югур,*
*Қил қўнғироқ: нолу тўрт!*

• • •

*Уйдан чиқар чоғингда,*
*Доим шунга назар сол:*
*Ўчирилганми чироқ,*
*Телевизор, газ, дазмол?!*
*Бўлсанг агар бепарво,*
*Албат олов, ўт чиқар!*
*Дераза ва эшикдан*
*Қора тутун, дуд чиқар!*
*Билки, улар заҳардир,*
*Бўғар нафас йўлингни!*
*Кўз, бурнингни ачитиб,*
*Боғлар оёқ-қўлингни!*

• • •

*Чангютар ва кирювгич,*
*Совутгич- инсон дўсти.*
*Ёрдами-ла уларнинг*
*Мушкул иш битар, рости.*
*Ишлаганда, лек улар*
*"Чўмиб" нақ қаро терга,*
*Қўлинг ёки бурнингни*
*Суқма, болам, у ерга!*
*Сени чангдек домига*
*Мумкин тортиб кетиши*
*Мудом эҳтиётсизликдан -*
*Танангга лат етиши!*

• • •

*Электр асбобларни*
*Билиб-билмай тузатма!*
*Бўлса сими яланғоч,*
*Қўлингни торт, узатма!*
*Қўлинг гугурт чўп эмас,*
*Тиқма токнинг инига!*
*Қолма ногоҳ ток урган*
*Одамларнинг кунига!*

• • •

*Юзу қўлинг ювмоқ-чун*
*Жўмракка қўл узатдинг.*
*Шошма, иссиқ-совуғи*
*Қайси экан, ажратгин!*
*Иссиқ сувда этингни,*
*Пуфакдайин шиширма!*
*"Санамасдан саккиз" деб,*
*Тағин "қовун" туширма!*
*Қизил рангли жўмракни*
*Очсанг келар иссиқ сув.*
*Ҳаво рангин бурасанг,*
*Жонга ҳузур совуқ сув.*

• • •

*Кўринган ҳамма нарса,*
*Болам, шакар, қанд эмас!*
*Буни билган, тушунган,*
*Бир умрга панд емас!*
*Қизил, сариқ, кўк, қўнғир*
*Доначалар доримас!*
*Сен ўйлаган мазали,*
*Нордон дармондоримас!*
*Кўп заҳарли моддалар*
*Турли-туман рангдадир,*
*Нафсингни тий, уларга*
*Тегма, жонинг тандадир!*

• • •

*Суварак, пашша, чивин,*
*Дориси ҳам бир талай.*
*Лекин улар инсон-чун*
*Заҳарлидир ҳар қалай.*
*Оз-моз солсанг оғзига*
*Беҳол қилар, қулатар!*
*Бўлсанг ундан эҳтиёт,*
*Сендан йироқ хавф-хатар.*

• • •

*Арслондай ўкириб,*
*Нор туядай бўкириб,*
*Оч бўридай увиллаб,*
*Қуюн тўзғиб, ғувуллаб*
*Кучли довул, ё бўрон,*
*Гирдоб қилса ғалаён,*
*Кўтарилган тўзонда,*
*Туяни кўр осмонда!*
*Дов-дарахтни кўчирар,*
*Том тепасин учирар,*
*Девор уйларни бузар,*
*Ҳаммаёқ пардай тўзар,*
*Узар электр симни,*
*Аямасдан ҳеч кимни!*
*Бу ҳолатда газ, ўтни*
*Шартдир сўзсиз ўчириш!*
*Ертўла, ё ҳандакда*
*Жон сақлаш, тинч ўлтириш!*

• • •

*Жиринглаcа телефон,*
*Аста олиб гўшагин:*
*- Лаббай! Салом! - дегину-*
*Кимсиз? - дея сўрагин.*
*Таниш бўлса сўзлашгин,*
*Йўқса, гапни калта қил!*
*Сўраса кир маълумот,*
*Сира-сира айтмагил!*
*Ота-онанг номидан*
*Қилса кимдир қўнғироқ,*
*Сен бу гапга ишонма,*
*Ҳушёр бўл, солма қулоқ!*

• • •

*Уйда қолсанг бир ўзинг,*
*Ёпиб ўтир эшикни!*
*Танимаган одамга*
*Очма ҳатто тешикни!*
*Турли ниқоб остида*
*Бўлар нопок кимсалар.*
*Талаб кетиб мулкингни*
*Бошга ғавғо, ғам солар!*
*Иккиланмай бу ҳақда*
*"Ноль икки" га хабар қил!*
*Бақир, чақир қўшнингни,*
*Қўрқма, бўл зийрак, дадил!*

*Искандар РАҲМОН.*

(Давоми. Боши ўтган сонда)

# БИР ХАТОНИНГ ФОЖЕАСИ




Аксига олиб энагамиз Наргиза тушлик овқат олиб келгани кетган экан. Қизчанинг ҳожатхонага кирганча "гум-гурс" бўлиб кетганидан хавотирланиб, изидан кирсам, у ҳамон ноқулай ҳолда, ўз аҳволидан ўзи иргангандек, оёқларини керганча ерга термулиб турибди.

- Еч иштонингни, ўтир горшокка. Тез!

Қизча чўчиб кетди. Аммо қимирламай тураверди. Бир кўнглим Наргизани топиб келай дедиму, аммо тоқатим тоқ бўлиб, шарт-шурт қизнинг иштончасини ечдим. Сўнг белидан даст кўтариб, шариллаб турган сувга кетини ювмоқчи бўлиб тутгандим, қиз бирдан чинқириб, қўлимдан отилиб кетди-ю, "қарс" этиб кафелли полга тушди. Жон-поним чиқиб кетди. Қизча қилт этмасди. Дарҳол уни қўлимга олдим. Усти-бошим ахлатга беланди.

- Фарангис! Кўзингни оч, Фарангис!

Шошганча юзига сув пуркамоқчи эдим, сувнинг қайноқлигидан қўлим куйиб қолди. Ҳа, сув илиқ эмас, қайноқ эди.

- Ай-йёв!- деди қизалоқ.

- Айланай сендан, кўзингни очдингми?

Шошганча болани ювиб-тозаладим. Сочиққа ўрадим. Булғанган устини эса оёғим билан бир бурчакка суриб қўйдим.

Чиқсам, Наргиза овқат олиб келган экан.

- Шунча вақт қаёққа йўқолдинг? Валақлаб юргунча ўз вақтида келсанг бўлмайдими? - бақирдим унга.

Наргиза менга ҳайрон боқди. Аммо унга бошқа изоҳ бериб ўтирмадим. Фарангиснинг шкафчасидаги қўшимча кийимини олдиму, уни ўзим қайта кийинтириб овқатга уннаган болаларга қўшиб юбордим.

Қизалоқ овқатлангач, ҳамма қатори жойига ётди. Болажонлар пиш-пиш уйқуга кетганда, киши билмас Фарангиснинг бошига уч-тўрт марта келдим. Пешонасига кафтимни босиб кўрдим. У ёқ-бу ёғини синчиклаб қарадим. Ҳеч ёғи кўкармаган. Иститмаламади ҳам. Кечқурун эса негадир ялтоқланиб, болани ўзим кўтариб чиқиб, уни ҳаммадан кеч келган онасига топширдим. Қизалоқ ҳар галгидек онасини бўйнидан қучоқлаб, ютоққанча уни ўпа бошлагач, елкамдан тоғ ағдарилди. Демак, ҳаммаси жойида. Бу ҳақда ҳеч кимга лом-лим демадим. Бир ҳафта ўтгач, мазам қочиб касалхонага тушдим. Билсам, ниҳоят ҳомиладор бўлибман. Бироз муолажа олиб, ишга чиққач, Фарангис энди боғчага келмаётгани маълум бўлди. Сабабини сўрасам, уларнинг кўчиб кетганини айтишди. Тўққиз ойдан кейин эса ўзим ҳам попукдек қизчали бўлдим. Кейин ўғлим туғилди. Ундан сўнг яна қиз...

Фалакнинг гардишини кўринг-ки, бугун мен аллақачон хотирамдан ўчиб кетган Фарангисни кўриб турардим.

* * *

- Узр, мени кечиринг, - Фарангиснинг онаси чой қуйиб узатди. - Сиз ҳам ушланиб қолдингиз. Уйингиздагилар кутишаётгандир...

- Қўшни...- дедим негадир бари-бир ич-ичимдаги қалтироқни босолмай. - Мен Фарангисни танидим. Наҳотки сиз унинг онаси бўлсангиз? Нега, нима учун бу аҳволга... тушиб қолдингиз?..

Аёлнинг юзи ёришиб, жилмайди. Сўнг кўзидан дув-дув ёш тўкилди.

- Шунинг учунам сизга ўзимни танитишдан қўрққандим...

Аёл бирпас елкалари титраб, унсиз йиғлагунча, хаёлимда минг бир ўй чарх урар, аммо уларнинг бирортасининг маънисига етмасдим.

- Фарангиснинг дадаси билан Педагогика институтида ўқиб юрганимизда севишдик. Мен қашқадарёлик бир қишлоқи қиз, у киши эса... тошкентлик,- ўз ҳикоясини бошлади аёл.-

Муносабатларимиздан у кишининг ота-онаси хабар топгач, "қиёмат" бошланди. "Қишлоқига уйланмайсан", дейишибди улар. Аммо биз ўз билганимиздан қолмадик. Фарангиснинг дадаси билан эр-хотин бўлдик. У киши мени уйига бошлаб борди. Агар менга ўйланмаса, акаларим уни қаматтириб юборишдан ҳам тоймаслигини айтиб, уйидагиларини роса қўрқитди. Бироқ, унинг гапига фаришталар "омин" деган эканми, Тошкентдан одам боргач, бизнинг уйдагилар эримни қаматиш тугул, ҳеч гапдан хабари йўқлиги маълум бўлган. Аллақачон ҳомиладор бўлиб қолганимни эшитгач эса... отам мени "оқ" қилибди.

Кейин... кейин мен учун энг азобли кунлар бошланди. Эримнинг уйидагилар мени чиқиштирмас, ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ, бош уриб борарга бирор бир эшигим қолмаган, 4-курсдан ўқишни ҳам ташлаган эдим... Сал фурсат ўтмай, Фарангис туғилди. Аммо қизимнинг дунёга келиши ҳам вазиятни юмшатмади. Уйдаги кўнгилсизликлардан безган эрим, ичкиликка берилиб кетди. Охир-оқибат... - аёл ҳўнграб юборди, - кўчадан унинг ўлигини олиб келишди... Эримнинг машина уриб кетганди. Уйда қиёмат қўпди. Ҳамма менга ташланди. "Боламни единг, одамхўр!" ўкирди қайнонам. Ахир ўша кун ҳам навбатдаги жанжалдан кейин эрим онасига қўлларини силкиб: "Жонимдан тўйдим. Қачон қутиламан бу ғавғолардан, қачон? Ўлсам тинчийсизми?"- деб бақирган, қайнонам ҳам бўш келмай "Менга ўдағайлагунча, анов қишлоқингга жавоб бер! Худо билсин боласиям кимдан? Йўқолсин ҳаромиси билан!" деган, эрим эса эшикларни тепиб-тепиб кўчага чиқиб кетган, мен юм-юм йиғлаганча қолавергандим.

... Эримнинг еттиси ҳам ўтмай, мени болам билан ҳайдаб юборишди. Бир сўм пулсиз, қўлимда қизим билан кўчада қолдим...

Яхши одамлар бор экан, бошпана беришди. Ишга жойлашдим. Ҳам ижара пулига, ҳам еб-ичишимизга етсин деб, бир неча жойда ишладим. Аммо етказолмасдим. Кундузи боламга қарайдиган одам йўқ эди. Кейин... Фарангисни боғчага жойладим...

Аёл сукутга толди. Менинг эса юрагим тўхтаб қолганди гўё...

- Сизларга минг раҳмат,- деди аёл оғир сўлиш олиб. - Боламга яхши қарадингизлар. Боғчага қатнай бошлагач, ранги чиқди. Эслайсизми, ҳар доим менга уришардингиз: "Уйда ҳам боланинг тарбиясига эътибор беринг. Сиз ҳам она бўлиб, болангизга ўзини қандай тутиш кераклигини ўргатинг", деб. Мен эса... боламни фақат севишга... уни қучиб, бағримга босиб, ўпишга улгурардим холос. Сўнг яна ишга кетардим... шўрликкинамни ёлғиз ташлаб. Ташлаб кетишларимдан юраги безиб қолган, баъзан кун бўйи "Ая! Ая!"лаб йиғларди.

Ўшанда... уни боғчадан олиб кетишимга сабаб... Бир кун ярим тунда қўшимча ишим - ошхонадан идиш-товоқ ювишдан қайтсам, қизим қаттиқ иситмалаб ётибди. Дори ичирдим, иссиқ ўрадим... Болам терлаб, енгил тортгандек бўлди. Аммо...бу тез-тез такрорлана бошлади. Болани иситмалаган ҳолатида боғчага олиб борсам, олишмади. Ўшанда сиз ҳам йўқ экансиз. Бўлмаса Фарангисни олиб қолардингиз. Кейин бу ҳол яна давом этди. Ишга чиқолмай қолдим. Бор пулимни боламга сарфладим. Аммо ижара уй ҳақимни тўлолмадим. Уй эгаси бизни чиқариб юборди. Яна сарсон-саргардонлик. Қизалоғим ўзига келиб қолар, деб беш-олти кун кутдим. Аммо у яна қайт қилиш, "шайтонлаши"ни бошларди. Шундагина уни дўхтирларга кўрсатдим. Узоқ даволандик. Дўхтирлар қизимнинг касалини қаттиқ йиқилишдан мияси чайқалган, бўйин асаб томири узилган деган хулосага келишди.

Операция қилиш керак, дейишди.

Аммо менда операция учун пул йўқ эди...

Аёл узоқ сўлиш олди.

- Мана, неча йилки қизим бу аҳволда. Юролмайди, англолмайди. Эндигина "Аёв, Аё-о", деб тили чиққан пайтда касалга чалинганди. Ҳозиргача фақат шу сўзни билади. Амал-тақал билан мана шу уйни олдим. Кунда, кунора бозорга сомса чиқариб сотаман. Топганим - шу боламники. Тузалиб кетса бўлди, дейман. Ахир, ота қарғишини олган мен, оналикни эплолмаган ҳам мен. Бироқ нега бу гўдак жабрини тортади, нега?

* * *

Бу суҳбатдан кейин туни билан ухлолмай, тўлғондим. Аёл ноҳақлигини виждоним айтиб турарди. Аслида... ҳаммасига сабаб мен... мен эдим! Қўрқоқлигим, худбинлигим сабаб эди бунга... Эътиборсизлигим, беписандлигим бир гулдек болани увол қилди. Буни эса ҳеч ким билмайди. Ҳатто Фарангиснинг онаси ҳам... Эримга... бошқа жойга кўчайлик деб ҳархаша қилишга тушганман. Тунлари эса... "Ай-йов! Ай-ё!", деган овоздан уйғониб кетаман. Дағ-дағ титрайман. Ўзимни оқламоқчи бўламан. Аммо... Азизлар, мен нима қилай? Қандай яшай энди, қандай?

**ҲИЛОЛА**
**Дилфуза ҚЎЗИЕВА**
**ёзиб олди.**

# БАҲОНИНГ БАҲОСИ

**Турмуш сабоқлари**

Зевара ҳар доим синфда аълочиларнинг сафида эди. Бирор ўқитувчи "уч" тугул "тўрт" қўйса ҳам ўша куни қовоғи очилмас, муаллимларини ҳам хит қилиб ташларди. Аслида у нимасига бунча бино қўйгани-ю, нега баҳога талашганига бугун ҳатто ақли ҳам етмайди. "Устозларимиз ҳам қизиқ экан, раъйимизга қараб баҳо қўйишарди-я", - дейди баъзан у ўша номига "аъло"га илинганлари юзини шувут қиладиган ҳолатларга дуч келаверса. Ўзимиз ҳам негадир "баҳопараст" бўлиб қолган эканмиз-да... Лекин бугун ўғилчаси билан бўлиб ўтган машмаша ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди.

- Ойижон, ўқитувчимиз дарсларингизни ота-оналаринг билан бирга, ўзларинг ҳам тўлиқ тушуниб, пухта бажаринглар деди, - дея эркаланди онасининг бўш вақтини пойлаб турган ўғилчаси Маъруфжоннинг дафтар-китобини олиб, ёнига келаверишини Зевара унча хушлайвермаса ҳам, муаллимининг тавсиясини эшитиб, ҳеч нарса дея олмади.

- Кел-чи, нима экан, - деди китобини эринибгина варақлар экан...

- Омоним сўзларни унча тушунмай қолдим-да.

- ...Нима дегани экан у. Эсимдан чиқибдими-а...

- Унда антоним сўзларга мисол айта қолинг... Топишга қийналаяпман-да...

- Буларинг ҳам хотирамда қолмабди-я...

- Кўчма маънода ишлатиладиган сўзлар ҳам ёдингизда йўқдир-а... Дўстларим ойиси билан билимларини мустаҳкамлаб олишади. Буни устозимиз ҳам айтиб, ота-онангга мени номимдан ҳам раҳмат айтиб қўй. Чунки биз бирлашмасак сизларнинг билимингизда кутилган натижага эришолмаймиз, деб қўядилар. Сиз эса нуқул ё ташвишларингизни пеш қиласиз, ёки вазифаларимни тушунмайсиз...

Зевара кўзларига тикилиб турган ўғилчасига нима деб жавоб қайтаришини билмай қолди.

- Ойижон, она тили ва адабиёти фанидан ҳар доим "беш" олардим дердингиз. Баҳонгиз тош босмас экан-да... Бизнинг муаллимимиз ҳар доим: "Баҳоларингизнинг баҳоси баланд бўлсин. Пуч баҳонинг орқасидан ҳеч қувманглар", - дея такрорлайдилар.

Болакай ҳафсаласи пир бўлганча қўшни хона томон юрди. Зевара эса ток урган кишидек турган жойида қотиб қолди. Унинг кўз ўнгидан мактаби, болаларнинг чуғур-чуғури овозини босиб, гапини йўқотганча ўқувчиларининг дам униси, дам бунисига жавдираган мисол термулиб ўтирадиган муаллимасининг ночоргина сиймоси гавдаланди-ю, негадир уни жуда-жуда ёмон кўриб кетди. Муштдеккина жон фикрлаб ўлчаётган "баҳонинг баҳоси" ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмагани шундай аламини келтирдики, мижжаларида ёш ҳалқаланди.

- Олий мактабга бориш учун эмас, оддий уй бекаси, она бўлиш учун ҳам баҳонинг баҳосини қадрлаш керак экан,- хаёлидан ўтказди у. - Тавба, яширинча китобга мўралаб, бир-биримизнинг шивир-шивирларимизга суяниб жавоб бераётганимизни ўқитувчимиз сезиб турса-да, "аъло" қўяверарди-я. Бус-бутун шеърларни шу тарзда "ёд айтиб", "беш" олардик...

Бу хотиралар Зеваранинг шунчалар ғашини келтирар эдики, ўша бечораҳол муаллимани ҳам, ўзини ҳам кечириш, тушунишни сира-сира истамасди бугун.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

Тўй бўлиб, Дилнозага уйланди.



# БОЗОР КЎРМАГАН НАЙРАНГБОЗЛАР

Тилла бозорининг ёнгинасида бир туп каттагина чинор бор. Шу чинор остида бошдан оёқ оппоқ кийинган ёшгина аёл қўлида чақалоғи билан кўз ёши тўкиб турарди. Унинг ёнида қўнғир мўйловли хушрўйгина йигит ҳам бор эди. Иккиси ўтган-кетганнинг эътиборини дарров тортди. Охири тилла бозорига келган аёллардан бири йигитга гап қотди.

- Синглим нега йиғлаяпти?

- Эри қамалиб қолганди. Тилла тақинчоқларини сотиб, қутқариб олмоқчи. Лекин онамиздан қолган тилла буюмларини сотишга ҳеч кўнгли бўлмаяпти. Мен акасиман.

- Қани кўрайлик-чи, - уларга яқинлашди аёл. - Нархини келишсак мен олиб қўя қоламан.

Оқ кийимли аёл рўмолини танғиб ўрагани учун унинг кўзларигина кўриниб турарди. У чўккалаб чақалоғига кўкрак тутди-да, камзулининг чўнтагидан рўмолчага ўралган тилла тақинчоқларни олиб, акасига узатди. Акаси ўтган-кетганларга тескари ўгирилиб, рўмолчани очди-да, харидор аёлга тутди.

- Бу буюмлар жуда қадимий. Онамизнинг онасидан қолган экан. Бир вақтлар Ҳиндистондан олиб келишган экан.

Харидор аёл ҳам буни дарҳол пайқади. Тилла буюмлар балдоқ, тиллақош ва иккита билакузукдан иборат эди.

- Қанчага сотасизлар? - қизиқсинди аёл.

- Биз қанчалигини ҳам билмаймиз. Маҳалладагилар бир миллион сўмга баҳолашди. Майли, бирор ўн минг сўм ўтиб беришимиз мумкин. Агар текшириб оламан десангиз, хоҳлаган жойингизга бирга бориб кўрсатаверамиз.

Тилла буюмлар афтидан харидор аёлга ёқиб қолганди. У ўтган-кетганга овоза қилмай, савдолаша бошлади. Охири тўққиз юз эллик минг сўмга бор барака қилишди. Харидор аслида бозорнинг савдогар аёлларидан экан. У балдоқнинг биттасини тилланинг сифатини аниқлаб бераётган зўр мутахассислардан бирига кўрсатди. У балдоқни қўлига олиши билан шундай деди:

- Соф тилла! Бунинг эгаси ким экан?

- Узумини еган, боғини сўрамайди, - ўзининг савдо сирини фош қилмади аёл. - Мана сизга икки минг сўм Шириннома!

Шу билан савдо битди. Аммо чинор тагига қайтиб боришгач, оқ кийимли аёл акасининг қўлидан тилла тақинчоқлар ўралган рўмолчани қайтариб олиб, камзулининг чўнтагига солиб қўйди. Акаси унга юзланди:

- Тўққиз юз эллик минг сўмга бор барака қилдик. Бер опамга тақинчоқларни.

- Йўқ, бермайман, - тескари ўгирилди аёл. - Онам раҳматли сотмагин дегандилар, анча арзон кетибди.



- Беш минг сўм қўшиб беринг, - харидордан илтимос қилди йигит. - Аёл киши бор баракани ҳам тушунмас экан. Харидор олдида мени хижолат қилмагин-да.

- Йўқ, бир миллиондан камига бўлмайди.

Бароқ мўйлов йигит уҳ тортди.

- Орага тушмай дегандим. Эркак кишининг лабзини эллик минг сўмга олмайсанми?

- Майли, ўн минг сўм қўшиб бераман, - дадил гап қилди харидор аёл. - У ҳам бўлса, чақалоғининг ҳурматидан. Мана, ўн минг сўм қўшдим, олинг!

- Ол! - Буюрди ака. - Сен билан бошқа бозорга келмайман.

Аммо буюмнинг эгаси пулни олмай тураверди. У кутилмаганда ўрнидан туриб, бозор дарвозаси томонга юрди. Харидор аёл таажжубда қўнғир мўйловли йигитга қаради.

- Тўхтатинг уни, қаёққа кетаяпти?

- Юраверинг, олиб бераман. Ўзи шунақа қайсарроқ. Сотмай кетиб қолишиям мумкин.

Улар бозор дарвозаси олдига етишди. Қўнғир мўйловли йигит харидорнинг қўлидан пулни олиб, синглисининг қўлтиғига қистирди.

- Нега бизни сарсон қиласан, бер буюмларингни!

Буюм эгаси бетоқатланиб, охири камзулининг чўнтагидан тилла тақинчоқлар ўралган рўмолчани олиб, акасининг қўлига тутқазди. У эса тақинчоқларни рўмолчани ёйиб, харидорга кўрсатди-да, унга топширди. Кейин харидордан узр сўради.

- Хафа бўлмайсиз, бозор кўрмаган одам шунақа бўлади. Омадингизни берсин! Берган пулингизга рози бўлинг!

- Розиман! - мамнун жилмайди харидор аёл. - Синглингиз эрини эсон-омон қамоқдан чиқариб олсин!

Харидор аёл тақинчоқлардан яхшигина фойда қилишини албатта биларди. У бозор кўрмаган сотувчилардан ранжимай яна чинор остига қайтди. Аммо рўмолчани очиб, тақинчоқларга қаради-ю, уларни боя кўрган тилла буюмларга ўхшатиб-ўхшатмай, тилланинг сифатини аниқлаб берадиган киши олдига олиб борди.

- Буларинг ҳаммаси теппа! Қани боягиси?

Харидор аёлнинг юрагига оғриқ турди. У бозор дарвозаси томонга ошиқди. Бозор кўрмаган сотувчилар, аслида устаси фаранг найрангбозлардан экан. Оқ кийимли аёл бир хил рўмолчага ўралган қалбаки тақинчоқларни бошқа чўнтагидан олиб берган бўлиб чиқди. Уларни қаердан ҳам топиб бўлсин.

Алданган савдогар аёл, найрангбозларни топиш мақсадида, катта шаҳарлардаги тилла бозорларига тушиб, уларни излай бошлади. Охири у қарийб бир миллион сўмга куйиб, тақдирга тан берди. Шундай қилиб, орадан икки йил ўтиб кетди...

Тасодифни қарангки, савдогар аёлнинг ўғли Тошкентда устачилик қилиб, пул топиб келар эди. Бир гал у Қўқон шаҳридаги тасодифан танишиб қолган ошнасининг уйида ётиб қолибди. Шу жойда ошнасининг синглисини ёқтириб қолибди. Орадан бир ойча ўтиб, ўша ҳовлига совчиларни жўнатишди. Улар орасида савдогар аёлнинг ўзи ҳам бор эди.

Совчилар боришган хонадонда бир кам юз ёшга кирган онахон бўлиб, келинликка сўралаётган қиз, унга чевара бўларкан. Мезбонлар гап орасида совчи қўйган йигитнинг ота-онасини қандай иш билан машғуллигини ҳам сўраб-суриштиришди, онаси тилла бозорида тирикчилик қиларкан. Буни эшитган онахон ўзининг тилла тақинчоқлари нархини билгиси келиб қолибди. Тақинчоқларни кўрибоқ, савдогар аёлнинг кўнглига ғулғула тушибди. Чунки улар икки йил илгари ўзини чув тушириб кетган фирибгарларнинг қўлидаги тақинчоқлар экан. Шу пайт савдогар хотин шундай дебди:

- Икки йил илгари бу тақинчоқларни кўрган эдим, бувижон.

- Қаерда кўрган эдингиз? - таажжубда сўради онахон.

- Бозорда кўрган эдим. Мабодо буларни ўшанда биронтасига бермаганмидингиз?

- Эсимда йўқ. Ҳарқалай қўшнимнинг келини музейга кўрсатиб келаман, деб бир кунга олиб кетганди, шекилли.

Меҳмонлар ўша келинни кўришни истаб қолишди. Уни дарров айтиб чиқишди. У худди ўша, бозор кўрмаган фирибгар эди. Қўнғир мўйловли йигит унинг акаси эмас, балки эри бўлиб, ноёб тақинчоқларнинг қалбаки нусхасини тайёрлайдиган фирибгарлардан экан.

Шундай қилиб найрангбозлик фош бўлди. Лекин совчилар бу ҳақда бир оғиз ҳам гап қилишмади. Олдинда яхши ниятлар турганда, бунақа пасткашликни эслаб бўлмайдида. Ҳарқалай, қинғир ишнинг қийиғи, қирқ йилдан кейин ҳам чиқмай қолмас экан.

Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

# ОТАнинг УЛУҒЛИГИ

Акбарали тоға кексайганда битта оёғини боса олмай, тўшакда ўтириб қолди. Қишнинг чилласида тракторда ер ҳайдайвериб, оёғини совуққа олдириб қўйган экан. Қўлтиқтаёққа тираниб, зўрға ҳовлига ўтиб келади, холос. Кампири ҳаёт бўлганда ҳам бунчалик ёлғизланиб қолмасди.

Унинг бир эмас, тўққиз ўғли бор. Шундан саккизтаси уй солиб, чиқиб кетишган. Акбарали тоға кенжатой ўғлини уйлантириб қўйишни ўйлагани-ўйлаган.

Унга нафақа пулини уйга олиб келиб беришади. Ҳар гал нафақа пули қўлга текканида, уни бузмай-нетмай тўйга атаб қўймоқчи бўлади-ю, янги чекларда яшайдиган ўғиллари келишиб, у кам, бу кам дейишиб, отасининг пенсия пулидан олиб кетишарди. Бунга Акбарали тоғанинг синглиси Маҳаррам аянинг ғаши келаверарди.

— Бу нима қилганингиз ака? -савол ташлайди у. — Ўғилларингиз сизга ёрдам беришсин. Иккита нон кўтариб келишга ярамаган ўғлингизга пенсия пулини тутқазиб ўтирибсиз-а? Иккала оёғингиз соғ бўлганда ҳам бошқа гап эди. Бу ёқда кенжатойингизни уйлашингиз керак.

- Қўявер, Маҳаррам, - дейди у. - Болаларга ҳам осон эмас. Қора қозонни қайнатмаса, яна бўлмайди.

- Болалиги қолибдими? Ўттиздан ўтиб, соқолига оқ тушай деб турибди-ку. Битта рўзғорнинг қозонини қайнатолмаса, нима қилади бош кўтариб юриб?

- Шунақа дейсан-у, янги чекнинг иши оғир-да. Иши юришиб-юришмай қолаяпти. Онаси бўлганида барибир шу пулни бериб юборган бўларди. Болалари ейман-ичаман деб туришган бўлса, нима қилсин? Кенжатойимизни ҳам пешонасига битгани бордир.

Олти кун деганда, Акбарали тоғанинг нафақа пули тугади. Биронта ўғлига миннат қилмай, ёнидаги пулни тақсимлаб берди. Кузда шолилар пишса, бировга муҳтож бўлмай қолар, дея ўзини овутди. Ота экан-да, битта оёғини боса олмай, қўлтиқтаёққа суяниб қолган бўлсаям, тўққиз ўғилнинг рўзғорини ўйлайди. Отанг бор, давлатинг бор, деб мана шунга айтадилар.

Ўғил ўнта бўлса ҳам вақти келганда битта отани боқа олмайди. Битта ота ўнта ўғилга суянчиқ бўла олади. Отанинг улуғворлиги ҳам ана шунда. Бироқ фарзандлар кўпинча буни кечроқ тушунадилар. Ота бебаҳо давлатдир.

# ОНАнинг ДОНОЛИГИ

Ҳидоятхон ая битта-ю битта ўғлига шу маҳаллада яшайдиган Дилноза исмли оқсаброқ босадиган қизни топди. Турсунали аясининг таклифини эшитибоқ қўл силтади.

- Бўлмайди! Ошналарим оқсоқ қизга уйланасанми, деб калака қилишади.

- Тўғри, жиндай оқсаброқ босади, - таъкидлади аяси ўғлининг гапини маъқуллаб. - Лекин ақл-фаросати жойида. Сенга шу қизни раво кўрдим, болам.

- Менинг ҳеч қанақа нуқсоним йўқ-ку, ая?

- Жиндай қизиққонсан, болам. Агар шу қизга уйлансанг, кўнглим хотиржам бўлади. Онани рози қилсанг, етти пуштингни рози қилганинг, болам. Бахтингни кўрай, дейман.

Турсунали оғир хўрсинди. Аслида Дилнозанинг хусну жамолида ҳеч қандай нуқсон йўқ эди. Унинг ота-онаси ёшлигида ажрашиб кетиб, бувисининг қўлида қолганди. Тикувчилик касбини ўрганиб, эндигина тетапоя иш бошлаб турганди. Шундай қилиб, Турсунали аясининг рози-ризолигидан ташқари иш қила олмади. Тўй бўлиб, Дилнозага уйланди.

Келинчак бегона ҳовлининг кирдикорини ўргангунча бир йилча вақт ўтди. Ҳидоятхон аянинг ҳовлиси шундоққина автобус бекатининг ёнгинасида эди. Дилноза битта ишни ўзича режалаштириб турган экан. Дарвозанинг ёнгинасидаги меҳмонлар учун қурилган хонани чеварчилик устахонаси қилишни куёвига маслаҳат солди. Турсунали мотоцикл олиш учун озроқ пулни йиғиб юрганди. Ана шу пулга меҳмонхонани таъмирлашиб, кўча томондан эшик очишди. Аста-секин шогирд қизлар келиша бошлашди. Устахонада бутун қишлоқдаги келинчакларнинг кийимларини тикишиб, анчагина обрў-эътибор топиб қолишди...

Мана, орадан йигирма йил вақт ўтди. Қишлоқда Ҳидоятхон аянинг хонадони танловда энг файзли хонадон, деб топилди. Бу ҳовлида уч фарзанд улғаяпти. Хонадон ҳақиқий чаманзорга ўхшайди. Енгил машина ҳам бор. Устахона кенгайиб, унда ўнлаб қизлар тикувчиликни ўрганди. Дилнозахон ақл-фаросат билан бутун маҳаллада обрў қозонди. Маҳаллада маслаҳатчилик ҳам қилмоқда. Турсунали қизиққонлик қилиб, тажанг бўла бошласа, Дилнозахон оғир-босиқлик билан уни хато йўлдан қайтаради. Турсунали шунча йилдан буён онасининг донолигига тан бериб яшамоқда.

**Комилжон НИШОНОВ**

# МЕВАЛАРНИНГ НАҚШИ

Табобатнома



Сарлавҳани ўқиб бу нима экан, деб ўйларсиз, азиз мухлислар. Бу ҳаммаҳамма биладиган узумдир. Айни пайтда ғарқ пишмоқда. Юртимизда токнинг 400 нави ўстирилади. Нимранг, чарос, ҳусайни, шакарангур, биҳишти навлари кўпроқ экилади. Узум 2,5 минг йилдан бери маълум. Табобатда даво сифатида меваси ва барги қадрланади.

Узум бир неча минг йилликдан буён халқ табобатида ишлатиб келинмоқда. Тиб илмининг қуёши Абу Али ибн Сино ўз асарида узум борасида шундай ёзган:

"...Токнинг суви кўтир ва темиратки лар учун доридир. Ёввойи токнинг меваси чиқиқларнинг яллиғланишини қайтаради. Қириндиларнинг кули сирка билан аралаштирилганда асаб бузилишига, шохларининг кули эса зайтун ёғи билан қўшилганда мушакларнинг ёрилиши ва бўғинларнинг бўшашувига қарши ишлатилади. Барги ва жингак иплари иссиқ бош оғриғига суртма дори бўлади. Ёввойисининг (пўстлоғи) асал билан қўшилганда қонайдиган тиш милкини тузатади..."

Буйрак, қовуқ, ичак оғриганда, пешоб ҳайдовчи, ўт (сафро) ҳайдовчи, дармонбахш сифатида тайинланади.

Узум уруғи билан сабзи уруғини қайнатиб, дока орқали сузилади. Бу қайнатма бавосил (геморрой) хасталигига чалинган беморларга тавсия этилади. Узум шираси танани мустаҳкамлашда, кўнгил айнишини бартараф этишда ичилади. Узум юрак қон-томир, тош, сурункали нефрит, жигар, асаб тизими, қамқонлик, сил, зиккинафас хасталикларида, моддалар алмашинуви бузилганида яхши наф келтиради.

Паришонхотирлик, туз тўпланишида тавсия этилади. Узум балғам кўчишини кучайтиради, шу боис йўтал, юқори нафас йўллари шамоллаганда малҳам бўла олади. Бунинг учун янги узилган узумни 1:2 нисбатида қайноқ сувда 10 дақиқа қайнатилади. Қайнатма ярим стакандан кунига 3-4 марта ичилади.

Тухум, қанд шарбати, узум суви аралашмасидан роҳатбахш ичимлик тайёрласа бўлади. Бу ичимлик танага дармон бахшида этади.

Узум қадим замонлардан қадрланган, яъни XVI асрда яшаб, ижод этган шоир ва табиб Ҳаким Давоий ал-Гилонийнинг узум ҳақидаги битиклари фикримизнинг ёрқин далилидир:

***Қуруқ-совуқ эрур узум мижози,***
***Уруғи ҳам шундай, бунга бўл рози.***
***Хўл-иссиғи бўлар, жуда яхшидир,***
***Оқи эса меваларнинг нақшидир,***
***Янгисидан эса топар дил ҳузур,***
***Аммо қорин тинмай қилар, қурру-қур.***
***Емиш қилса уни кимки наҳорга,***
***Иссиқ меъда айланади баҳорга.***
***Тану жонга ундан равнақ эрур ёр,***
***Ислоҳини излар бўлсанг, бил анор.***

Шуниси диққатга сазоворки, узумнинг ғўраси ҳам фойдали экан. Сафрони чиқаради, чанқоқни босади, ич кетишини тўхтатади, меъда (ошқозон), жигарга қувват беради.

Барги эса томоқ шамоллаганда наф беради, бунда томоқ чайқалади. Шу билан бирга, барги турли яраларда, жароҳатларда тавсия этилади. Узум билан даволаш муолажаси 1-1,5 ой мобайнида олиб борилади. Ҳар куни 200 граммдан бошланиб, аста-секин 2 килограммгача етказиш даркор. Узумни эрталаб, нонуштадан 1,5-2 соат олдин истеъмол қилиш керак. Бу вақтда сут, арок, маъданли сув ва бошқа ичимликлар ичиш тавсия этилмайди.

Узум меваси таркибида 150 хил биологик фаол моддаларни сақлайди. Мева ширасида сув, қанд (лимон, узум кислотаси, олма, шавел) жо бўлган. Дармондорилардан С, В1, В2, В6, Р, ниацин, биотин, К сингарилар, маъданлардан калий, кальций, кремний, магний, натрий, олтингугурт, фосфор, кобальт, руҳ кабиларни сақлайди.

Меваси пўчоғида ошловчи ва бўёвчи моддалар, энин, эфир мойи бор. Ана шу моддалар туфайли узум бир қатор хасталикларни даволашда шифо бўлади. Таом ҳазмини яхшилайди, иштаҳани очади. Эрталабки нонуштада узум ейилса киши вужудини тозалайди.

Узумнинг ёш барглари ва шохчалари (новдалари) қон босими юқори бўлганида- гипертония хасталигида ва қандли диабетда наф беради. Бунинг учун узум (ток)нинг барглари ва новдачалари йиғилиб, салқин жойда қуритилади. Ва 50 грамм ток барглари 0,5 литр қайноқ сувга солиниб, чой сингари дамланади, сўнгра паст оловда 10-15 дақиқа қайнатилади, сузилади. Кейин ярим стакандан кунига 3 маҳал таомдан олдин ичилади.

Узумнинг пишмаган мевасидан сиркаyксус тайёрланади. Сирка стоматит ва ангинада чайқаш учун қўлланилади. Узум сиркасини бўғин ва мускул оғриқларида 1-2 чой қошиқдан ичиш тавсия этилади.

Кези келганда шуни ёзиш жоизки, ота-боболаримиз азалдан узум майизини тайёрлашга одатланишган. Узум майизида маъданлар ва дармондорилар, айниқса темир моддаси кўп бўлади. Узумдан майиз тайёрлаш жараёнида С (аскорбин кислотаси) дармондориси йўқолади, А дармондориси 30 фоизга камайса ҳам шунга қарамай энергия қиммати ошади. Майиз, асал, ёнғоқ мағзи аралашмаси қувват бағишлайдиган малҳам сифатида машҳур.

Энди икки оғиз қора узум ҳақида. Янги тадқиқотлар қора узумнинг суви каби уруғи ва пўсти ҳам фойдали эканлигини кўрсатди. Унинг таркибидаги моддалар бир талай касалликлардан вужудни ҳимоя қиларкан.

Омаха шаҳридаги Крейгтон университети олимлари узумнинг уруғи ёки пўсти устида икки йил текшириш олиб боришди. Маълум бўлишича, узум уруғи ва пўстида саратон ва бошқа кўпгина касалликларга қарши таъсир қиладиган моддалар бор экан. Мияси ва жигари кучсиз ҳайвонларда ўтказилган тажрибалар яхши натижалар берди. Бу жониворлар узум уруғи таркибидаги активил моддаси ёрдамида тузалиб кетгани аниқланди. Активил саратонга қарши Е дармондориси ёки бете каротен сингари таъсирчан моддадир. У турли саратон касалликларидан тортиб, юрак хасталиклари, томир тиқилиши каби дардларга ҳам даво бўлади.

Ўлкамизда пишиқчилик фасли кезиб юрибди. Ўзингизни янада кучли ва бардам ҳис этмоқчи бўлсангиз, кўпроқ узум тановвул қилинг. Узум узилиши биланоқ ейилганда жуда фойдали бўлади. Пишиқчилик пайтида ҳар бир киши ўртача 13 килограмм узум тановвул қилиши керак. Зеро, пайғамбаримиздан мевалардан қайси бирини хуш кўрасиз, дея сўрашганида узумни деб жавоб берган эканлар. Шуни ёдда тутиш кераккки, узум ўта семиз кишиларга, ўткир юрак етишмовчилигида, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси қўзғалганида, қандли диабетда тавсия этилмайди. Узум тишларини бузади, шунинг учун еганидан сўнг оғизни сувга озгина чой содаси қўшиб чайқаш керак.

## УЗУМ БИЛАН ДАВОЛАНИШ

Узум, унинг пўсти ва баргларидан шифобахш дамламалар тайёрлаш ва истеъмол қилиш ҳам катта аҳамиятга эга.

● Узум шарбатини овқатланишдан бир соат олдин, кунига уч маҳал 1 стакандан ичиш тавсия этилади. Муолажа муддати 1-1,5 ой.

● Болаларнинг ҳарорати кўтарилганда унинг баданини нордон узум дамламаси билан артилса, иссиқликни тез туширади.

**Ич кетганда**

● Нордон узумнинг янги сиқиб олинган 1/2 стакан шарбатига (узумнинг ҳали кўм-кўк, хом ғўрасидан) 1/4 стакан қуюқ ва қайноқ чой қўшилиб, 4 чой қошиқ шакар аралаштирилади. Бу аралашма бирданига ичилгач 1,5 -2 соатдан сўнг аҳвол яхшиланади.

**Ларингитда**

● 2 ош қошиқ қуритилган оқ узум устига 1 стакан сув ва 1 ош қошиқ пиёз шарбати қўшилади. Ушбу аралашмани 1/3 стакандан кунига 3-4 маҳал илиқ ҳолда ичилади. Таъбга қараб асал қўшилса хириллашни йўқотади.

**Бачадондан қон кетса...**

● Узумнинг қуритилган барглари кукундек туйилади-да, кунига уч маҳал 1-2 қошиқдан ютилади.

**Шиш ва қабзиятда**

● Узумнинг гажакларини (виноградные прутья) ёқиб кукундек қилиб янчилади. Сўнг 2-3 ош қошиғи устига 0,5 литр сув қуйиб, 3/4 стакан қолгунча қайнатилади. Ушбу аралашма 1/2 стакандан тушдан олдин 15-20 кун давомида ичилади.

**Подаграда**

● Уч ой давомида ҳар куни узум еб, эрталаб ва кечқурун овқатланишдан бир соат олдин қуйидаги тартибда узум шарбати ичилади.3 кун 1/4 стакандан, 5 кун 1/2 стакандан, 5 кун 3/4 стакандан, 5 кун 1 стакандан, 5 кун 1,25 стакандан ичилади.

**Юрак ҳолсизланганда**

● 30 грамм майиз устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, паст оловда 10 минут қайнатилиб, 1 соат тиндирилади.Бу аралашмани 1/3 стакандан кунига уч маҳал ичилиб меваси ейилади.

**Ўпка силида**

● Иложи борича кўпроқ узум истеъмол қилиш тавсия этилади. Бунда узум доначалари тез-тез ютилмайди. Балки улар оғизда эзилиб чайнаб ейилади. Данаклари эса ташланади.

**Сурункали қабзиятда**

● Ҳар куни 2 стакандан уч маҳал, овқатдан 1 соат олдин узум шарбати ичилади. Даволаш муддати 2 ой.

**Ангина, пародонтозда**

● 1 ош қошиқ майиз устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. У 2 соат тургандан кейин оғиз ва томоқ шу аралашма билан чайилади.

**Ётоқ яраси, чипқон ва жароҳатда**

● Узумнинг янги, ёш барглари янчилиб, бўтқа ҳолига келтирилади. Ушбу бўтқани докага ўраб жароҳатланган жойга қўйилади.1 соатдан кейин яра ёки жароҳат илиқ сув билан ювилади. Узумли совуқ компрессларни 10 кун давомида, то яра тузалиб кетгунча қўйилади.

**Сўлғин тери учун...**

● Узумнинг 3-5 дона меваси ўртасидан кесилиб юз ва бўйинга сурилади. 20 дақиқадан кейин ювиб ташланади. Бундай муолажадан сўнг тери тери майинлашади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ ва БАСИРА тайёрлашди.**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Олимлардан Низомиддин айтади: "Қуйидаги нарсалар одамларнинг саломатлигига зарар қилади, умрини қисқартиради: -Бировларни масхара қилиш, кўп кулиш, аччиқ нарсаларни кўп истеъмол қилиш, мевали дарахт тагида ётиш ёки унинг тагида ҳожат ушатиш, соч-соқолини ўзга одамларнинг тароғи билан тараш, қозонга қўл солиб овқат ейиш, жамоат олдида тупириш, сичқон еган нарсани ейиш, бозорда кўпчиликнинг назари тушган ҳолда овқат ейиш, қабристонда овқат ейиш ёхуд қулиш"...

* * *

Олимлардан Маъруф айтади: "Қуйидаги нарсалар аввало саломатликка зарар, қолаверса, кўринишга ҳам хунук: палапартиш нарса ейиш ва ичиш, ота-онанинг номини атаб чақириш, улуғ кишилардан олдинга ўтиб юриш, ювинди ва ахлат ташланадиган ерга ҳожат ушатиш, уйидаги сувнинг устини очиқ қолдириш, уй ичида ўргимчак инларининг осилиб туришига йўл қўйиш, тиланчидан нарса сотиб олиш, ювилган юз-қўлни либос этаги билан артиш, тиш билан тирноқни қисқартириш".

* * *

Олимлардан Баҳоуддин айтади: "Қуйидаги нарсалар одамларнинг соғ-саломат юришига сабаб бўлади: кам ейиш, кам гапириш, кам ухлаш, кам ишрат қилиш, ўзини ёқимли нарсалар билан муаттар қилиш ва тез-тез ҳаммомга бориш».

* * *

Кўз яллиғланганда ёстиқни баланд қилиш ва бошни қуйи энгаштиришдан сақланиш лозим.

* * *

Шунингдек, кўз яллиғланганда кескин ҳаракатлар қилмаслик, оқликка, нурга қарамаслик, сувни кўп ичмаслик, ўртамиёна овқатланиш лозим. Қичқирмаслик, энгашмаслик зарур. Чунки, буларнинг барчаси касалликка сабаб бўлган моддани томоққа тортади.

* * *

Эмизикли аёл сути кўзга томизилса, кўз оғриғини йўқотади.

* * *

Сурма кўзга қувват. Олтин майдалаб, кўзга сурилса, кўз нурини оширади. Алоэ ўсимлигини истеъмол қилиш кўз нурини равшан қилади. Сут ҳам кони фойда: кўзга сурилса, кўриш қуввати ошади.

* * *

Оғиз бадбўйлиги ёмон иллат. Саримсоқпиёз ва қалампирмунчоқ туйиб, эзилади. Асалга аралаштирилиб, наҳорда ва уйқу олдидан истеъмол қилинади. Буни мунтазам равишда амалга ошириш оғиздаги ёмон ҳидни йўқотади.

* * *

Седанадан етти дона олиб, аёл сутида бирор соат ивитиб, ундан бурунга томизилса, сариқ касаллигига ва кўзнинг сарғайишига катта фойда. Ал-Мардиний "Рисола" китобида ёзилишича: гул суви ва сирка кўзга сариқликни кетказади. Яна нордон анор суви наҳорда кўзга томизилади ва ичилади.

*Маслаҳатхона*

**Фарида ТОҲИРОВА тайёрлади.**

# ОШ-ОВҚАТГА УННАЁТИБ...

## ХУШРЎЙЛИК СИРЛАРИ



*Ёз юз териси, умуман, тери учун турли кимёвий бўёқлардан дам олиш учун имкон берадиган энг ажойиб фаслдир. Табиий пардоз воситалари ҳар бир ошхонада топилиши билан бирга улардан тайёрланган ниқоблар зарарсиз ҳамдир. Таркибида сунъий моддалар йўқ бўлганлиги учун ҳам улар терига қойилмақом кўркамлик бағишлайди.*

### САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАР БИЛАН...

Инсон танасида А дармондориси (апельсин, сабзи ва ўрикда кўп бўлади) етишмаса, тери қуруқ ва сўлғин бўлиб қолади. B2 дармондорисининг (Асал ва сутда) етишмовчилиги натижасида эса терига тез ажин тушади. Танада темир моддасининг (анорда) кўп бўлиши юзга қирмиз ранг бериб, тетиклаштиради.

Ёнғоқ таркибидаги Е дармондориси давомли зўриқишлар (стресс) натижасида юз берадиган терининг тез кексайиш ҳолатининг олдини олади. Қулупнай ва карам истеъмол қилинмаса терининг қайишқоқ ва силлиқлиги йўқолади.

Ҳар бир аёл ўз терисидаги камчиликларга қараб қандай табиий воситалардан фойдаланишни билиб олиши керак.

**Узум** - терини намлантириб, тўқималардаги модда алмашинувини яхшилайди.

**Нўхат** - қуруқ терини тинчлантириб, турли тошмалардан даволайди.

**Карам** - қуруқ терини ёшартиради.

**Картошка** - ажин тушишидан сақлайди.

**Қулупнай** - озиқлантиради, қуруқшаган теридаги ёрилган қон томирчаларини таранглаштириб, қизаришининг олдини олади.

**Сабзи** - терини майинлаштириб ёшартиради. Агар сабзи шарбати юзга мунтазам равишда сурилса терининг тобланган рангини анчагача сақлайди.

**Бодринг** - терини оқартириб, таранглаштиради.

**Помидор** - терини тозалаб, озиқлантиради.

**Олхўри** - теридаги тешикларни беркитади.

**Олма** - терини таранглаштириб, хуснбузарларни йўқотади.

✦ **Ўрик** - терини тозалайди. Юмшатади ва озиқлантиради.

✦ **Тарвуз** - оқартиради, қизилликни йўқотади.

✦ **Нок**-теридаги тешикларни беркитиб, қайишқоқлигини оширади.

✦ **Кабачка** - терини юмшатиб озиқлантиради. Ажин тушишининг олдини олади.

**Шафтоли** - ажинларни текислаб юмшатади.

### АВВАЛ СИНАБ КЎРИНГ!

Ошхонадаги маҳсулотлардан фойдаланиб терини парваришлашдан олдин ҳар бирининг қандай терига мос келишини, юз терингизга қайси бири маъқуллигини аниқлаб олинг. Чунки уй шароитида фойдаланиладиган баъзи бир маҳсулотлар таъсирида терида аллергик қўзғалишлар пайдо бўлиши мумкин.

Шунинг учун олдин қўлнинг билак қисмига ўша маҳсулотдан озгина суриб, терига бўлган таъсири синаб кўрилади. Зарарли таъсири сезилмаса маҳсулотлардан фойдаланишни давом эттириш мумкин. Шуни унутмангки, фойдаланиладиган маҳсулотларнинг ҳаммаси яъни, тухум, қаймоқ, ва мевалар янги бўлиши керак. Мабодо, қуруқ маҳсулотлардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, уларнинг сақланиш муддати бир йилдан ошмаган бўлишига эътибор қаратинг. Маҳсулотлар терига сурилгач шишиб қизара бошласа дарҳол ювиб ташланг.

### ҲАМИША ТОЗА БЎЛСИН!

Терини ўлик тўқималардан тозалаш учун шоҳона скраб тайёрланг. Бунинг учун 2 ош қошиқ бодом мағизини туйиб сут билан бўтқа ҳолига келгунча аралаштиринг. Тайёр бўлган бўтқани юзга суриб 2-3 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади.

Юзни яхшилаб тозалашнинг яна бир усули бор. Бир ош қошиқдан қирғичдан чиқарилган сабзи, манна ёрмаси (манный крупа) ва бирорта ўсимлик мойи аралаштирилади. Аралашма енгил ва айлана ҳаракатлар билан юзга сурилади.

Табиий ўтлардан фойдаланишни хуш кўрадиган аёллар эса эрталаб ва кечқурун юзларини ялпиз ва лимонўт дамламаси билан артганлари маъқул. Бунинг учун 2 ош қошиқдан олинган ўтларни майдалаб тўғраб устига бир стакан қайноқ сув қуйилади. 30 дақиқа дамлаб қуйилгач юз артилади.

Таъсирчан тери учун эса коньяк қўшиб мана бундай қаймоқли аралашма тайёрланг.

100 грамм қуюқ қаймоқ, 30 грамм коньяк ва битта тухум сариғи аралаштирилади. Бу аралашма музлаткичга қўйилиб, эрталаб ва кечқурун фойдаланилади. Уни тўрт кун сақлаш мумкин.

Терининг зарарланган жойларини атиргул гулбаргларидан тайёрланган шифобахш бальзам билан даволанг! Бунинг учун атиргулнинг гулбарглари йиғилиб банкага солинади. Устига илиқ ўсимлик ёғи қуйилади. Улар рангсизлангач юзга сурилиб, ярим соатдан сўнг нам сочиқ билан артиб олинади.



### НИҚОБЛАР ТАЙЁРЛАНГ!

- Юз терисини парвариш қилиш учун энг кўп фойдаланиладиган усул бу сабзавот ва мевалардан тайёрланадиган ниқоблардир.

Ниқобларнинг афзаллиги шундаки, тери тўқималари уларнинг таркибидаги барча фойдали моддаларни тез сўриб олади.

Шунинг учун ниқобдан кейин юз териси майин ва таранг бўлиб қолади.Ниқобдан ҳафтасига 2-3 марта фойдаланган маъқул.

Эрталаб намлантирувчи, кечқурун эса озиқлантирувчи ниқоблар қўйилади.

**Ҳамма турдаги терилар учун** - янги карамдан тайёрланган ниқоб яхши. Унинг микроэлементларга бой яшил барглари ювилиб, буғланиб юзга қўйилса, бас.

**Сўлғин терига** - ҳар доим озиқлантирувчи ниқоб қўйиш керак бўлади. Тери сўлғинлаша бошлаганини сезишингиз билан дарҳол янги сабзидан ниқоб тайёрланг. Яъни, янги сабзини қирғичдан чиқариб битта тухум оқи, бир чимдим крахмал (картошка уни) ва 1 чой қошиқ ўсимлик ёғи билан аралаштиринг. Аралашма юзга ва елкага сурилади.

Олмадан ёшартирувчи ниқоб қўйилса юздаги чарчоқ тезда йўқолади. Бу ниқобни тайёрлаш учун олма майда қирғичдан чиқарилиб устига бир стакан қайноқ сут қўшилади.

1 чой қошиқдан қичитқи ўт (крапива), шивит, қизил қорағатни (Красная смородина) ёғоч идишда яхшилаб эзиб, аралаштирилгач юзга сурилади.

Юз терисини тинчлантирувчи қуйидаги ниқобни тайёрлаш ҳам осон. У терига бутунлай сўрилиб, уни ипакдек майин ва силлиқ қилади.

2 дона картошкадан тайёрланган қайноқ бўтқага битта тухум оқи ва 1 чой қошиқдан асал, глицерин (дорихонада сотилади) ва ўсимлик ёғи қўшилади . Ҳаммасини яхшилаб аралаштиргач юз ва бўйин терисига сурилиб, 20 дақиқадан сўнг ювилади.

**Ёғли териларга** - қора турпдан тайёрланган ниқоб фойдали. Ўртача катталикдаги қора турпни қирғичдан чиқариб 2 ош қошиқ сут, бир неча томчи лимон шарбати ҳам қўшилади.

**Қуруқ терига** - 1 чой қошиқ ялпиз, асал ва ўсимлик ёғини аралаштириб юзга сурилади-да, 10 дақиқадан сўнг ювилади.

Шуни унутмаслик керакки, ушбу маҳсулотлардан тайёрланган аралашма ва ниқобларни сақлаб бўлмайди. Уларни тайёрлаган заҳоти юзга сурилса, фойдали таъсири ҳам шунча кўп бўлади.

Ҳамма нарсани ўз қоидаси билан бажариш керак. Масалан, юзга ниқоблар қўйган пайтда аёл қандай ҳолатда бўлиши керак?

Юзга ниқоб қўйгач 20 дақиқа туради. Бу вақтда оёқларни сал юқорига кўтариб ётиш зарур. Ҳар қандай ниқобни аввал илиқ сув билан ювиб, сўнг совуқ сув билан чайилади. Табиий маҳсулотлар, мева ва сабзавотлардан жуда кўп турдаги ниқоб тайёрлаш мумкин. Улардан қуйидагича фойдаланилади.

**Ёғли юзга**

Бир бош пиёзни қирғичдан чиқариб 0,5 микдорда асал билан аралаштирилиб сўнг юз ва бўйинга сурилади. 30 дақиқадан кейин мойчечакнинг (ромашка) илиқ дамламаси билан ювилади.

**Юз қуруқ бўлса...**

✶ Яримта бананни яхшилаб эзиб, бўтқа ҳолига келгач юзга сурилади. 10 дақиқадан сўнг ювиб ташланади.

✶ Сули ёрмасини янчиб бир дона тухум сариғи билан аралаштирилади. Юзга сургач 15-20 дақиқадан сўнг ювиш керак.

✶ Қирғичдан чиқарилган помидорни картошка уни (крахмал) билан бўтқа ҳолига келгунча аралаштирилади-да, бир неча томчи ўсимлик ёғи қўшилади. Ниқоб юзда 15-20 дақиқа туради.

**Таъсирчан бўлса...**

✶ 1 ош қошиқдан қаймоқ ва творог аралаштириладида, устига 1 чой қошиқ туз қўшилади. Юзга қўйилган ниқоб 20 дақиқадан кейин аввал илиқ, сўнг совуқ сув билан чайилади.

✶ Картошкали ниқоб мана бундай тайёрланади. Катта бўлмаган хом картошка қирғичдан чиқарилиб юзга сурилади. 20 дақиқадан сўнг ювилиб, бирорта озиқлантирувчи крем сурилади.

✶ Картошка ва лимонли ниқоб учун пўсти билан пиширилган картошка керак бўлади. Уни эзиб 2 ош қошиқ ун ва 1 чой қошиқ лимон шарбати қўшилади. Фақат бу ниқобни бўйинга қўйиш мумкин эмас.

✶ Икки дона сабзини майда қирғичда қириб 2 ош қошиқ ун ва 1 дона тухум сариғи яхшилаб аралаштирилгач, тозаланган юзга қўйилади. 20 дақиқадан сўнг аввал иссиқ, сўнг совуқ сув билан ювиб ташланади.

**Терини текислайди**

Юз терисини текислаб, рангини яхшилайдиган ниқоб мана бундай тайёрланади.

1 чой қошиқдан картошка уни, сут, асал ва бир чимдим туз аралаштирилиб юзга сурилади. Ниқоб қуригач устма-уст яна сурилади. Сўнг, аввал илиқ, кейин совуқ сувда ювилади.

**Тетиклаштирувчи...**

Қирғичдан чиқарилган олма, бодринг ва қовоқдан 2 ош қошиқдан олиб, устига 2-3 ош қошиқ қайноқ сут қуйилади. 10-15 дақиқа тургач, янчилган сули ёрмаси қўшилади. Илиқ ҳолда юзга қўйилган бу ниқоб 1литрига 1чой қошиқ сирка қўшилган нордон сувда ювилади.

**МАСЛАҲАТЛАР:**

**✦ Ниқоб тайёрлашда янги узилган ва пишиб етилган мева ва сабзавотлардан фойдаланиш тавсия этилади.**

**✦ Ниқоб учун маҳсулотларни шиша ёки чинни идишларда аралаштирган маъқул.**

**✦ Тайёрланган ниқобни лаб, кўз атрофидаги тери ва қалқонсимон безлар устига суриш мумкин эмас.**

**✦ Меваларни музлатиб қўйсангиз қиш бўйи мевали ниқоблардан фойдаланишингиз мумкин.**

**БАСИРА тайёрлади.**

# САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**САВОЛ:** - ***Ипак матодан тикилган кийимларни қандай дазмоллаш керак?***

**Дилдора УМАРОВА, Жиззах шаҳри.**

**ЖАВОБ:** - Ипак матодан тикилган кийимларга одатда астар томонидан сал нам ҳолида унча иссиқ бўлмаган дазмол босилади. Дазмоллаш пайтида мато дастлабки ҳолига қайтиши учун уни бир неча марта тортиб-тортиб қўйиш керак. Аммо ипакка сув сепа кўрманг, чунки бунинг оқибатида унда майда доғлар пайдо бўлиши мумкин.

**САВОЛ:** ***-Эшитишимча, айрим дориларни кўп ичиш жинсий қувватни сусайтирар экан. Шу тўғрими?***

**МАНСУР, Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ:** - Ҳақиқатан ҳам бу фикр тўғри. Масалан, аслида жинсий қувватни оширишга мўлжалланган айрим дори воситаларини нотўғри қабул қилиш акс таъсир этади. Қон босимини тушириш учун, шунингдек юрак уришининг меъёри бузилиши холларида тавсия этиладиган бета-блокаторларнинг айрим турлари эрекцияни сусайтиради. Транквилизаторлар, антидепрессантлар ва ошқозон-ичак ярасига қарши дориларнинг баъзи турлари ҳам жинсий қувватни пасайтириб юбориши мумкин. Шу боис даволаниш жараёнида бирор бир дори воситасининг салбий таъсирини сезсангиз, дарҳол шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

**САВОЛ:** ***-Дадам шаҳар марказидаги 2 хонали квартираларини менга мерос қилиб қолдириш тўғрисида васиятнома тайёрлатган эдилар. Энди эса ана шу васиятномани бекор қилмоқчилар. Шу ҳаракат қонунийми?***

**Қаҳрамон ОТАЕВ, Бухоро вилояти.**

**Гулнора ҲАМРОЕВА, ҳуқуқшунос:** - Дадангизнинг ҳаракатида ҳеч қандай қонун бузилиш аломатлари йўқ. Чунки нотариал идорада тасдиқланган ҳар қандай васиятнома васият қилувчи вафот этгандан кейингина қонуний кучга киради. Бунгача эса фуқаро нотариал тартибда аввалги васиятномага исталган ўзгартириш ёки қўшимчаларни киритиш, уни бутунлай ўзгартириш, бекор қилиш ҳамда бошқа киши номига янги васиятнома қолдириш ҳуқуқига эга бўлади.

**САВОЛ:** ***-Маълумки, юрак, қон-томир касалликларида организмнинг калийга эҳтиёжи ортади. Қайси озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида калий моддаси кўпроқ?***

**Шарофат МАРДИЕВА, Наманган вилояти.**

**ЖАВОБ:** Таркибида калий моддаси кўп бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Баргак (данаксиз туршак) - 1/2 стакан - 900 мг;
2. Қўрда пиширилган картошка - 1 дона - 840 мг;
3. Майиз - 1/2 стакан - 550 мг;
4. Авокада - 1/2 дона - 600 мг;
5. Апельсин шарбати - 1 стакан - 500 мг;
6. Банан - 1 дона - 500 мг;
7. Ошқовоқ пюреси - 1/2 стакан - 450 мг;
8. Сут - 1 стакан - 370 мг;
9. Қовурилган мол гўшти - 100 грамм - 360 мг;
10. Димланган ловия - 1/2 стакан - 340 мг;
11. Помидор - 1 дона - 300 мг.



**САВОЛ:** ***- Мен тоғамнинг "Нексия" русумли автомашинасини ишончнома билан ҳайдаб юраман. Яқинда ДАН ходимлари ишончномани янгилашим кераклигини айтишди. Уларнинг талаби тўғрими?***

**Мустафо ШЕРХОНОВ, Сирдарё вилояти.**

**Гулнора ҲАМРОЕВА, ҳуқуқшунос:** - Улар сизни янги тартиб-қоидадан огоҳ этишибди. Чунки 2006 йил 1 июлдан республикамизда автомашиналар олди-сотди шартномалари ҳамда ишончномалари тартиб рақамига эга бўлган гербли бланкаларга расмийлаштирилмоқда. Нотариус ана шу гербли нусхани харидор ёки ишончнома олувчига беради. 1 июлгача бўлган муддатда расмийлаштирилган барча ишончномаларни эса шу йил 31 декабрга қадар янги тартибдаги бланкаларга алмаштириш шарт.

**САВОЛ:** ***-Қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнакларнинг зарари ҳақидаги гап-сўзлар ростми?***

**Дилшод ЖЎРАБОЕВ, Гулистон шаҳри.**



**ЖАВОБ:** - Буюк Британиялик олимлар олиб борган кузатишлардан маълум бўлишича, 57 фоиз ҳолатда рангли ойна ўрнатилган кўзойнаклар қуёшнинг ультрабинафша нурларидан умуман ҳимоя қилмас экан. Қолаверса, бундай кўзойнакларни муттасил тақиб юриш тери раки, катаракта каби касалликларга, айрим холларда эса кўриш қобилиятининг сусайишига олиб келиши мумкин. Қизил, ёрқин яшил, мовий ва сариқ рангли ойна ўрнатилган кўзойнаклар айниқса зарарли экан. Кўзойнакларсиз ҳаётини тасаввур этолмайдиганларга шифокорлар тўқ жигарранг ва яшил-жигарранг ойнали кўзойнаклар тақишни маслаҳат беришади.

**САВОЛ:** ***-Ҳар тонг юз-қўлимни ювавётганимда бурним қонайди. Қон дарров тўхтайди-ю, лекин бу ҳол мени ташвишга солаяпти?***

**Ботир АБДУЛЛАЕВ, Самарқанд вилояти.**



**ЖАВОБ:** - Оз-оздан бўлса-да, мунтазам равишда қон йўқотиш гемоглабин миқдорининг камайиб кетиши, ҳолсизлик, ишчанлик қобилиятининг сусайиши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу нарса айниқса эркакларда яққолроқ намоён бўлади, чунки аёллардан фарқли равишда уларнинг организми доимий қон йўқотишга "дастурлаштирилмаган".

Эрталабки қон кетишга бурун бўшлиғи шиллиқ пардасининг қуруқлашуви оқибатида қон томирларининг ёрилиши сабаб бўлиши мумкин. Қонни тўхтатиш учун буруннинг устидан совуқ нарса қўйиб, ичига водород перекисига ботирилган тоза пахта тиқинг. Аммо юзни юқорига қилиб ётиш, бошни орқага ташлаб ўтириш мумкин эмас.

Энг муҳими кечиктирмай ЛОР шифокорига учрашиб, маслаҳат олинг.

**САВОЛ:** ***-Электромагнит тўлқинларнинг инсон саломатлигига зарарли таъсири кўпми?***

**Одина ҚУДРАТОВА, Термиз шаҳри.**

**ЖАВОБ:** - Электромагнит тўлқинларининг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида кўп ёзилган. Биз бунга қўшимча тарзда шуни айтишимиз мумкинки, мисрлик олимларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, доимий равишда уяли те-



лефондан фойдаланадиган кишиларда тананинг қариш аломатлари тенгдошларига нисбатан анча эрта кузатилар экан. Бунга сабаб алоқани таъминловчи электромагнит тўлқинлари жигар, томоқ безлари, юрак ва мия фаолиятига зарарли таъсир этишидадир. Шунингдек, юқори кучланишли электр линиялари ўтган, телерадиотўлқинларини узатиш антенналари ўрнатилган ҳудудларда уй жойларни ана шу воситалардан камида 20 метр, иложи бўлса 1 километр узоқликда қуриш керак.

**Д. ИБРОҲИМОВ тайёрлади.**

**САВОЛ:** ***-Одатда чанқасак совуқ чой, шарбат ёки газ сув ичамиз. Бир танишим эса оддий сув ҳам чанқоқни қондириш, ҳам фойдалилик жиҳатдан тенгсиз эканини айтиб қолди. Наҳотки шу гап тўғри бўлса?***

**Мирзабек ТОШПЎЛАТОВ, Тошкент шаҳри.**



**ЖАВОБ:** - Бундан бир неча йил аввал АҚШнинг шифокорлар учун мўлжалланган "New England journal of medicine" журналида анчагина шов-шувларга сабаб бўлган хабар босилган эди. Ўша мақолада ёзилишича, 50 минг нафар кўнгилли бир неча йил давомида тадқиқотда қатнашиб, ҳар куни чанқоқни қондириш учун 10-12 стакан газланмаган минерал сув ичиб туришган. Натижада уларда буйрак касалликлари, йўғон ичак ва сийдик халтаси ракига чалиниш ҳолатлари одатдагидан 2 баробар кам кузатилган. Демак, сизга ҳам маслаҳатимиз: соғлом бўлай десангиз тоза, газланмаган минерал ёки қайнатилган оддий водопровод суви ичишни канда қилманг.

**САВОЛ:** ***-Икки йилдан бери университетга ҳужжат топшириб тест синовларида етарлича балл тўплолмаяпман. Агар бу йил ҳам шу аҳвол такрорланса, бутқул тушкунликка тушиб кетсам керак?***

**АЛИЖОН, Бухоро вилояти.**

**Гулнора МИРЗАЕВА, психолог:** - Инсон вақти-вақти билан ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг, орзуларининг рўёбидан қониқиш ҳосил қилиб туриши керак. Бу нарса унга куч ва ўзига ишонч бағишлайди. Лекин бирор бир мақсад ёки маррани эгаллашнинг ҳеч иложи бўлмаса, бу ҳол инсонга салбий таъсир этиши, қатъияти йўқолиши, тушкунликка тушиб қолиши мумкин. Одатда мақсад аниқ бўлмаса ёки у маълум бир инсоннинг имкониятларидан юқорироқ турса, мана шундай ҳолат юзага келади. Шу боис сиз "айнан мана шу университетда ўқишим шартми?", "шарт бўлса, нима учун?" деган саволларга жавоб беришга уриниб кўринг. Шундан кейин интилиш ва мақсадингизнинг қанчалик ҳаётийлиги аниқ бўлади.

**САВОЛ:** ***-Турли бурж вакилларига ҳар хил қимматбаҳо тошлар мос келиши ҳақида эшитганман. Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангизлар?***

**Лолахон АЛИХОНОВА, Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ:** - Дарҳиқиқат, қимматбаҳо металлар, яъни тилла ва кумуш билан бир қаторда қимматбаҳо тошлар ҳам инсон организмига ва руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиши қадимдан маълум бўлган. Замонавий фан эса бу далилни қайта-қайта исботламоқда. Демак:

* Қўй буржи вакилларига олмос тўғри келар экан;
* Сигир буржидагилар эса феруза ва ёқут мос келади;
* Эгизакларга ақиқ, зумрад ва хризопраз;
* Қисқичбақа буржи вакилларига опал;
* Арслонларга қаҳрабо ва хризолит;
* Бошоқ буржидагиларга нефрит ва сердолик;
* Тарозиларга опал ва ложувард(лазурит);
* Чаён буржи вакилларига аквамарин ва коралл;
* Ёйларга хризолит, аметист(сафсар) ва топаз;
* Тоғ эчкиси буржидагиларга лаъл, қора ёки жигарранг оникс (ақиқнинг бир тури) ёки малахит;
* Қовғаларга гранат(ёқут) ва циркон;
* Балиқ буржидагиларга эса аметист(сафсар) ва марварид мос келар экан.

*Яна бир гап, одатда қирралари бўлмаган, яъни юмалоқ шаклдаги тошлар кўпроқ фойдалидир. Шунингдек, олмос, сапфир(ёқутнинг бир тури) ва қаҳрабонинг тиллага ўрнатилганини, опал, аквамарин ва биллурнинг эса кумуш гардишлисини харид қилинг.*

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00.
Босишга топширилди- 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11087
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5